

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

№8

8-сон — 2010  
йилнинг октябрь  
— декабрь ойлари

Ҳар чоракда чиқадиган ахборот-таҳлилий бюллетени



Европа Комиссияси

INSTITUTE FOR WAR & PEACE REPORTING



Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR)

# МУҲТАРАМ МУШТАРИЙ!

## *Эътиборингизга Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб масалаларни ёритувчи ахборот-таҳлилий бюллетенининг саккизинчи сонини ҳавола этамиз.*

Марказий Осиё мамлакатларида қочқинлар муаммоси Қирғизистон жанубидаги июн тўқнашувлари оқибатларидан бири бўлди.

Нафақат апрель ойида президент Бакиевни тахтдан қулатган “рамақижон” муваққат ҳукуматли Қирғизистон Республикасини, балки бутун минтақани жунбушга солган бу воқеалар ҳали анчагача давлатлараро муносабатларда акс-садо бериб туради.

Қозоғистондан ўзбек қочқинларини экстрадиция қилиш давом этмоқда, бу мамлакат улар учун ноқулай жойга айланди. Ҳозирда Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган ва Фарғона юрган қирғизистонлик муваққат кўчманчиларга ҳеч ким ҳеч қанақа кафолат бермаяпти. Уларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида сиз мазкур бюллетень материалларидан библи олишингиз мумкин.

Давлатларнинг ўзи ҳам, албатта, бу фожеий воқеалардан қатор хулосалар чиқариб оладилар. Биринчидан, бу сиёсатчилар ўз конъюнктуравий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ муаммолардан фойдаланишга ҳақлари йўқлиги ҳақидаги хулосадир. Ўш воқеалари натижа нақадар қонли бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Иккинчи сабоқ эса, бу демократия, биринчи навбатда, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун юксак масъулиятни ҳис қилиш ва қонунга нисбатан ҳурмат экани ҳақидаги ҳаммага маълум бўлган моддадир.

ЕХХТга раислик мақомида бўлган Қозоғистон бу йил асосий эътиборни ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий масалаларни, шунингдек, хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишга қаратди. Аснода, раислик олдидан ваъда қилинган ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш, афтидан, мазкур мўътабар миссия тугагандан кейин ҳам давом этадиганга ўхшайди. Ўзбекистонда конституциявий тузатишлар жорий этилмоқда, бу тузатишлар “демократия томон қўйилган эҳтиёткорона қадам”дан кўра президентнинг узоқ муддатли сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга қаратилганга ўхшаяпти. Туркманистонлик ҳуқуқ фаоллари халқаро конференцияларда иштирок этганлари учун қатор муаммоларга дуч келдилар. Жумладан, ўтган йил октябрида 2010 йилдаги инсоний ўлчовларга бағишланиб, Варшавада ўтказилган конференцияга Туркманистон расмийлари қаршилиқ қилганлари ва ЕХХТ уларнинг фикрига қулоқ солгани учун туркманистонлик фаолларнинг қатнашишлари қийин бўлди. Остонада ўтган альтернатив конференцияда Туркманистондан фақат битта одам иштирок этди. Фаоллар расмий Ашхобод мамлакат ичкарисидаги ахборот ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймасликка интилаётганини қайд этмоқдалар.

Тожикистоннинг Рашт водийсида сентябрь ойида содир бўлган нохуш ҳодиса, беқарор Афғонистонга ўта яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг заиф бўғин бўлиб, Марказий Осиёга беқарорлик ёювчи мамлакатга айланиб қолиши мумкинлигини кўрсатди. Марказий Осиё мамлакатлари ичида парламентаризм йўлига тушиб олган Қирғизистонда эса декабрь ойи охирида иккинчи уринишдан сўнг Жўғурку Кенешда коалиция кўпчилигини барпо

қилишга эришилди. Мамлакат, ниҳоят, легитим ҳукуматга эга бўлди, бу ҳукумат аъзолари депутатлар тасдиғидан ўтди.

Олдинда катта иш жабҳаси турибди. Марказий Осиё мамлакатлари сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан бир қаторда кўпинча орқа планда қолиб кетаётган инсон ҳуқуқлари масаласига муносиб эътибор қарата оладиларми-йўқми – буни вақт кўрсатади.

Эслатиб ўтамиз, бюллетень Европа Комиссияси кўмагида Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан амалга оширилаётган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси доирасида нашр этилмоқда. Лойиҳа асосий мақсадларидан бири Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда лойиҳа Қирғизистонда болаларнинг таълим олиш имкониятлари масаласи, Тожикистонда худкушлик ҳолатларининг кўпайиб бораётгани муаммоси ва Қозоғистонда сўз эркинлиги масалаларини ҳал қилиш учун мулоқот платформасини таъминлаб келмоқда. Лойиҳа фаолиятининг яна бир йўналиши ноҳукумат ташкилотлари вакилларининг жамоатчилик билан алоқани ушлаб туришга, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга ўргатиш, шунингдек, журналистлар учун инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлари ва бу борадаги миллий қонунчилик соҳасида тренинглар ўтказиш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда IWPR Европа, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Уганда, Шимолий Африка, Зимбабве, Кавказ, Филиппин ва Марказий Осиё мамлакатларида ўз фаолиятини муваффақият билан амалга ошириб келмоқда. Марказий Осиё минтақасида IWPR ўз фаолиятининг 1999 йилдан буён муваффақият билан адо этиб келмоқда ва ўтган вақт мобайнида Институт давлат, ноҳукумат (НХТ) секторлари ҳамда медиа-тузилмалар билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйишга эришди. IWPR маҳаллий журналистлар билан биринчилардан бўлиб ҳамкорлик қила бошлади, уларга чет эллик ҳамкасблари билан алоқаларни ривожлантиришда кўмак кўрсатди. Вақт ўтган сайин бу ҳамкорлик тигиз профессионал алоқалар шаклига кирди.

Бундай ёндошув янги алоқалар ўрнатиш ва кенгайтириш, мунтазам равишда ғоя, билим ва малака алмашиш имконини берди. Тил тўсиғи ва қарашлардаги фарқларга қарамай, бундай ҳамкорликнинг натижаси [www.iwpr.net](http://www.iwpr.net) веб-сайтидаги қўплаб қўшма мақолаларда ўз аксини топди. Ана шу иш шарофати билан IWPR инсон ҳуқуқлари, зиддиятлар демократияси масалалари билан боғлиқ муаммоларни ёритишга сезиларли ҳисса қўшди.

Ҳар бир сонда сизни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ алоҳида ёки оммавий ҳодисалар билан лойиҳа фаолияти доирасида таништиришга ҳаракат қиламиз. ●

**УШБУ СОНДА:****2 ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ****ДОЛЗАРЪ ИНТЕРВЬЮ:**

- 12 Қирғизистон жанубидаги этник ўзбекларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланиши шарт
- 14 Қирғизистонлик ўзбек қочқинлари ўзларини “ташландиқ” ҳис қилмоқдалар

**МАХСУС РЕПОРТАЖ:**

- 16 Камбағаллик Қирғизистонда болалар меҳнатидан фойдаланишга туртки бўлмоқда

**ҚОЗОҒИСТОН:**

- 19 Ўзбек қочқинлари Қозоғистондан депортация қилиниш хавфи остида

**ҚИРҒИЗИСТОН:**

- 21 Қирғизистонда ўсмирлар ўртасидаги ашаддий жиноятчилик кўламини қандай қисқартириш мумкин?
- 23 Шарҳ. Қирғизистондаги фожеавий воқеалар бўйича суд жараёнлари адолатли бўлиши лозим

**ТОЖИКИСТОН:**

- 26 Тожикистондаги “ташлаб кетилган хотинлар”нинг ҳавас қилиб бўлмайдиган аҳволи
- 28 Тожикистон ҳукумати маҳаллий оммавий ахборот воситаларида зиддиятнинг ёритилишидан норози

**ЎЗБЕКИСТОН:**

- 30 Шарҳ. Медиаэксперт: Ўзбекистонда журналистларни маҳкамага тортиш учун баҳона кўп
- 32 Жаслиқ колониясида маҳбуслар эълон қилган очлик

**ТУРКМАНИСТОН:**

- 33 Замонавий туркман аёлларига реал ҳақ-ҳуқуқлар керак
- 35 Туркменистон: расмийлар шифокорларнинг чет эл сафарларига қарши курашмоқдалар

**ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ****IWPR ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ҲУҚУҚ  
ФАОЛЛАРИ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ  
АДАБИЁТЛАРНИ НАШР ҚИЛДИ**

13 октябрь куни Олмаотада, 15 октябрь куни Душанбеда ва 26 октябрь куни Бишкекда Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг 2010 йилда журналистлар ва ҳуқуқ фаоллари учун чиқарилган янги адабиётлари тақдироти бўлиб ўтди. Янги чоп қилинган маҳсулотлар ичида оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотларининг бир-бирини тушунишига ёрдам берадиган: ҳуқуқ фаолларига оммавий ахборот воситалари билан ўз ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, журналистларга эса ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларни ёритишда ёрдам берувчи амалиётчилар тавсиялари акс этган “Самарали коммуникация воситалари” ва “Инсон ҳуқуқларини ёритиш” каби қўлланмалар бор. Бундан ташқари, бу йил Институт томонидан IWPRнинг маҳаллий журналистлари учун аввал инглиз ва рус тиллари чиқарилган “Ўзгаришлар йўлида репортажлар” қўлланмаси маҳаллий тилларга таржима қилинди. Бу қўлланма мутахассислар томонидан журналистиканинг халқаро стандартлари бўйича энг яхши амалий қўлланмалардан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, Институт томонидан рус тилида радиожурналистика бўйича қўлланма чиқарилди.



## ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ



Нашр тақдимида Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон маҳаллий олий ўқув юртлари журналистика факультетлари ва кафедралари ҳамда минтақа нодавлат ташкилотлари ва медиаташкилотларига китоб туфҳа қилинди. IWPR чоп қилган китобларнинг уникалиги шундаки, улар Марказий Осийнинг барча мамлакатларидан бўлган экспертлар тажрибасини ўзида мужассам этган. Китобга Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ўз мамлакати ва хорижда машҳур бўлган етакчи ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлари ҳамда IWPR ходимлари муаллифлик қилган.

Қирғизистон таълим ва фан вазирининг ўринбосари Гулжигит Сўрунқулов мазкур нашрларга таълим жараёнига талаб катталигини қайд этди. Қирғизистон-Россия Славян университети (ҚРСУ) халқаро журналистика кафедраси мудир Александр Кацев бу китоблар “посттоталитар даврдаги толерантлик ҳуқуқига даъвогарлик қилиши мумкин”лигини таъкидлади, чунки, Кацевга кўра, “қанча кўп тилда китоб чоп этилиб, талабалар онгига қанча кўп сингдирилса, жамиятда толерантлик ғояси шунча кенг ёйилади”.

Қозоғистондаги журналистларнинг “Адил сўз” ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти вакиласи Софья Лапина “нашр қилинган китоблар ҳуқуқни ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида янада тиғизроқ ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмаклашади”, деб ҳисоблайди. Унга кўра, мазкур қўлланмалар ёш журналистларни ҳуқуқни муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларга жалб қилади ва уларга ахборот оқимида йўналиш олишга ёрдам беради.

Радиожурналистлар учун чиқарилган қўлланма муаллифларидан бири Зебо Тожибоева муаллифлар ишига уларнинг таҳлилий радиорепортажлар журналисти ва муҳаррири сифатидаги ўз билим ва тажрибалари асос бўлганини айтади. “Кейинги пайтларда бошқа мамлакатларда бўлгани каби Тожикистонда ҳам радиожурналистиканинг таҳлилий сюжет (уни пакет ҳам деб атайдилар) каби жанри ўла бошлади. У журналистдан анчагина вақт ва ижодий изланиш талаб қилади. Шу билан бирга бу радиотин-

гловчига ахборот етказишнинг энг қизиқ усулидир. Шунинг учун ҳам IWPRнинг бутун радиолойиҳаси ва мазкур қўлланмадан шу жанр асос қилиб олинди”, - деди у.

Журналистлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлари учун илк бор чоп этилган қўлланмалар ҳақида гапирар экан, “Нота бене” жамоатчилик ташкилоти раҳбари, таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Нигина Баҳриева: “Бу китобда жамоатчилик билан қай тариха тўғри алоқа ўрнатиш лозимлиги ҳақида илк мартаба амалий маслаҳатлар ва назарий билимлар битта китобда жамланган”, дея қайд этди. Шунингдек, у мазкур қўлланма ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотларга нинг жамият учун муҳим ва қизиқарли иши ҳақида билдиришга кўмаклашишига умид билдирди.



IWPR китоблари тақдими журналистлар, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти, олий ўқув юртлари, халқаро ташкилотлар ҳамда минтақа мамлакатлари дипломатик миссиялари вакиллари эътиборини кенг қўлабдиради. Институтнинг минтақа мамлакатларидаги офислари чоп қилинган маҳсулотларни текинга тақдим этиш бўйича қизиққан ташкилотлар ва шахслардан илтимосномаларни қабул қилмоқда. ●

ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

## БИШКЕК ВА ДУШАНБЕДА, IWPR НУҚТАИ НАЗАРИЧА, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИНИ ЁРИТУВЧИ МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТЛАР НОМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Инсон ҳуқуқлари куни ҳисобланмиш 10 декабрда қирғизистонлик, қозоғистонлик ва ўзбекистонлик журналистлар ўртасида “Ҳуқуқ муҳофазаси масалаларини оммавий ахборот воситаларида энг яхши ёритилиши” бўйича Марказий Осие танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бундан икки кун олдин, яъни 8 декабрь куни Душанбеда тожикистонлик ғолибларга мукофотлар топширилганди.

Ғолибларга перодан қанотга ўтувчи шаклда ҳозирланмиш бронзадан қилинган рамзий статуетка, диплом ҳамда номинациясига қараб 300 дан 1000 АҚШ долларигача пул мукофоти берилди.

Танлов 2009 йилда эълон қилинганди. Ўшандан буён минтақанинг тўрт давлатидаги давлат ва хусусий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳамда фрилансерларидан юздан ортиқ талабнома келди. Ҳайъат таркибига Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан бўлган Вячеслав Абрамов, Андрей Гришин, Сардар Бағишбеков, Шамарал Майчиев, Ойниҳол Бобоназарова, Шахло Ақобирова, Ҳакимжон Хусанов каби нафақат ўз мамлакати, балки унинг хорижида ҳам таниқли бўлган ҳуқуқ фаоллари, журналист ва юристлардан иборат етти киши кирганди.

Ўзбекистонни тамсил этувчи ҳайъат аъзоси Ҳакимжон Хусанов энг яхши мақолаларни танлаш жараёнида айрим номинациялар бўйича жюри аъзолари ўртасида қизгин баҳслар авж олганини айтиб ўтди. “Дадаввал биз мақолаларга алоҳида-алоҳида баҳо бердик, кейин эса ғолибларни танлаш учун [Skype-conference орқали] учрашдик”, - деди у.

“IWPRнинг бундай тадбирлари ҳар йили ўтказилиб турилишини истардик, чунки бу тадбирлар ҳуқуқ муҳофазаси мавзусида ёзадиган журналистларнинг профессионал малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради”, - дея қайд этди Тожикистондаги “Азия Плюс” газетаси навбатчи муҳаррири Парвина Ҳамидова.

Экспертлар бунақа кўрик-танловлар профессионал стандартларни кўтаришдан ташқари, кўпчилик иштирокчилар эътироф этганларидек, ёритиш осон бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилиш мавзуларини ёритишга рағбатлантирини қайд этдилар, чунки расмийлардан оддий ахборот олиш ҳаракатлари ҳам журналист устидан судга арз қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Аҳолини ҳуқуқий маърифатли қилиш “ҳозирча инсон ҳуқуқлари бузилишига кўпинча кўз юмиб келаётган” давлатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари масъулиятини

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

### ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАРИ:

#### Матбуот



Елена Воронина  
(Қирғизистон)



Елена Братухина  
(Қозоғистон)



Рамзия Мирзобекова  
(Тожикистон)

#### Online-OAB



Тилав Расулов  
(Тожикистон)



Бакыт Ибраимов  
(Қирғизистон)

ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

оширади, - дейди “Матбуот” йўналиши бўйича учинчи ўринни олган, ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ журналистика қандай хатарларга йўлиқтиришини яхши биладиган тожикистонлик журналист Рамзия Мирзобекова.

Озод Европа/Озодлик радиосида ишловчи, “Қийноқлар ва ноқонуний ҳибсга олишлар” номинацияси бўйича мукофотланган қозоғистонлик журналист Жасулан Кужеков узоқ йиллар нефть бизнеси масалаларини ёритиш билан шуғулланганини, аммо ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларни ёза бошлаганидан кейин бу ишдан воз кечмасликка қарор қилганини айтади.

Қирғизистонлик таниқли ҳуқуқ фаоли, “Матбуот” йўналиши бўйича биринчи мукофотни олган Елена Воронина ўзининг болалар ҳуқуқи бўйича қатор мақолалари танлов ҳайъати томонидан бу қадар юксак баҳоланганидан ўта ҳайратланганини айтди. “Бу фақат менинггина эмас, мақолаларим қаҳрамонлари бўлган болаларнинг ҳам ғалабасидир”, - деди Воронина.

“Бу маросим биз учун ҳақиқий байрамга айланди”, - деди тожикистонлик журналист Валентина Қасимбекова Душанбедаги танлов ғолибларини мукофотлаш тантаналари келган Тожикистон парламенти аъзолари, амалдорлар,



маҳаллий нодавлат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар вакилларини кўришдан шод эканини қайд эта туриб.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осие бўйича минтақавий вакили Фиона Фрейзер бунинг муваффақиятли ташаббус бўлганини айтиб, танловни уюштирган IWPRга миннатдорчилик изҳор этди. Шунингдек, у, агар бундай танлов кейинги йилга ҳам ўтказилса, унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари

бошқармаси ўз номинациясини таъсис этиш ниятида эканини ҳам айтиб ўтди.

Танлов Европа Комиссияси кўмагида Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан амалга оширилаётган “Марказий Осие мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” ҳамда Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги молиялаштираётган “Ҳуқуқ муҳофазаси масалалари, зиддиятларни ёритиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш бўйича ахборот дастури” лойиҳалари доирасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (UNHCHR) минтақавий бўлими ва АҚШнинг Тожикистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган. ●

МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАХСУС ТАНЛОВ НОМИНАЦИЯЛАРИ:

«Аёллар ва болалар ҳуқуқи»



Абдурақиб Қодиров  
(Тожикистон)

«Сўз эркинлиги»



Сергей Расов  
(Қозоғистон)

«Қийноқлар, ноқонуний қамаш ва ҳибсга олишлар»



Жасулан Кужеков  
(Қозоғистон)

«Ҳаракатланиш эркинлиги»



Дилбегим Мавлоний  
(Ўзбекистон)

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасидан «Етарли турар-жой» номинацияси



Махамбет Абжан  
(Қозоғистон)



Асил Ўсмўналиева  
(Қирғизистон)



Валентина Қасимбекова  
(Тожикистон)

АҚШнинг Тожикистондаги элчихонаси номинацияси



Ирина Умарова  
(Тожикистон)



Фазлиддин Хўжаев  
(Тожикистон)

ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

## IWPR ТОЖИКИСТОНЛИК ВА ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЯНГИ МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САБОҚ БЕРДИ

Октябрь ойида IWPR ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистларни Интернетдаги янги медиатеҳнологияларга ўргатиш бўйича тренинглар ўтказишни давом эттирди. 16-17 октябрь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳри, Чуй, Талас ва Иссиқкўл вилоятларидан келган ҳуқуқ фаоллари учун тренинглар бўлиб ўтди.

Тожикистонда эса бу каби тренингларнинг биринчиси 29 октябрь куни ниҳоясига етди. Пойтахт Душанбе, Қўрғонтепа, Рашт ва Варзоб туманларидан бўлган ўн беш нафар ҳуқуқ ҳимоячиси ва журналист ижтимоий тармоқлар ва Интернетнинг янги платформаларида ишлашни ўргандилар. 31 октябрь ва 1 ноябрь кунлари бу каби тренинг Ҳоруғда, 4 ва 5 ноябрь кунлари эса Хўжандда ўтказилиб, унда 30 нафар ҳуқуқ фаоли ва журналист иштирок этди.

“Биз Интернет эндиликда журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ёрдамисиз ўз нодавлат ташкилоти фаолияти ҳақида маълумот тарқатишга имкон бериши ҳақида билмас эдик”, - деди қўрғонтепалик Лола Жалилова. Иштирокчиларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги ўз ишлари ҳақида маълумот жойлаштириш мумкин бўлган ўз блогларини очдилар. Бундан ташқари, коммуникациянинг энг янги воситалари алоқа тармоғини кенгайтиришга, сўнги воқеалардан хабардор бўлиб туришга ҳамда ўз иши самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради.



“Бу тренинг шарофати билан менда бир куннинг ўзида жуда кўп фойдали алоқалар ўрнатдим”, - дея қайд этди иштирокчилардан яна бири Ибодат Жўраева.

Иштирокчиларга қирғизистонлик таниқли блоггер, Kloop.kg янгиликлар портали ва йирик блог платформаси асосчиси Бектур Искендер тренерлик қилди. ●

## «ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ» ЖАМОАТЧИЛИК ТИНГЛОВЛАРИ



2010 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Хўжанд, Ҳоруғ, Кўлоб ва Қўрғонтепа шаҳарларида Гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича нодавлат ташкилотлари ассоциацияси билан ҳамкорликда “Аёлларга нисбатан зўравонлик муаммоси ва ҳимоя механизмлари ҳақида Тожикистон аҳолиси хабардорлигини ошириш” мавзусида давра суҳбатлари бўлиб ўтди. 150 на-

фарга яқин фаол аёллар, давлат идоралари ходимлари ва диний хизматчилар жойларда зўравонликнинг турфа турларидан ҳимояланиш механизмларини муҳокама қилдилар. Учрашув иштирокчилари мамлакатда “Оиладаги зўравонликдан ҳимояланиш тўғрисида”ги қонун ҳалигача қабул қилинмагани туфайли ҳимоя механизмлари ишламаётган бир пайтда оиладаги зўравонлик республикада тобора катта муаммага айланиб бораётганини қайд этдилар. Айрим ҳудудларда, жумладан, Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида кризис марказлари хизмати ишламайди, аёллар ва эркаклар учун психологик кўмак хизматлари, зўравонлик қурбонлари учун бошпана йўқ. Бунга қонунлар ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқий нигилизми ҳам сабаб бўляпти. Бу эса қурбонларнинг

ёрдам сўраб мурожаат қилмаслигига олиб келмоқда.

Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари вакиллари билан параллел равишда маҳаллий олий ўқув юртлари талабалари учун оиладаги зўравонликдан ҳимояланишнинг халқаро ва миллий механизмлари ҳақида маърузалар ўқилди. Бу маърузаларни ташкил қилиш IWPR ташаббусига кўра амалга оширилди.

## ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ



2010 йилнинг 8 декабрь куни Душанбеда “Оиладаги зўравонликдан ҳимояланиш механизмлари” мавзусида жамоатчилик тингловлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбир уй зўравонлигига қарши қонунни қабул қилишда давлатнинг турли вилоятларида аёллар жамоат ташкилотларини активлаштириш бўйича бўлиб ўтган муҳокамаларнинг охиргиси бўлди. Бу муҳокамалар Уруш ва тинчликни ёритиш институти томонидан қўллаб-қувватланган бўлиб, ўтказилган тадбирларни яқунлаштиришга қаратилган эди. Жамоатчилик тингловларида Тожикистон республикаси парламенти, ҳукумати, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти, жамоатчилик ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ва

киллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ИИВ академияси, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия кенгаши, қатор халқаро ташкилотлар ходимлари ва бошқалар иштирок этдилар. Жамоатчилик тингловларида пойтахт ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан жами 86 киши қатнашди.

Тадбир иштирокчилари барча таклиф ва тавсияларни умумлаштириш ҳамда уларни Тожикистон ҳукумати кўриб чиқиши учун тақдим этишга қарор қилдилар. Асосий тавсиялардан бири давлат томонидан “Оиладаги зўравонликдан ҳимояланиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши бўлди. Давра суҳбатлари ва маърузалар чоғида мазкур қонун қабул қилиниши учун 300 дан зиёд имзо йиғилди. Тинглов натижаларига кўра мазкур қонун лойиҳаси тасдиқланиши ҳамда БМТнинг аёллар камситилишининг ҳар қандай шаклини бартараф қилиш ҳақидаги конвенцияси бўйича факультатив протокол ратификацияси фойдасига резолюция қабул қилинди.

“Менинг фикримча, IWPR қўллови шарофати билан қонун лоббиси якуний босқичга етди”, - деди Тожикистондаги гендер тенглиги ҳаракати фаолларидан бири, “Университет таълимини кўрган аёллар” жамоатчилик ташкилоти раҳбари Гулжаҳон Бобосодиқова.

Барча тадбирлар Европа Комиссияси кўмагида амалга оширилаётган “Марказий Осий мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” ҳамда Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги молиялаштираётган “Ҳуқуқ муҳофазаси масалалари, зиддиятларни ёритиш ва ўзаро ишонччи мустақамлаш бўйича ахборот дастури” лойиҳалари доирасида ўтказилди. ●

## «НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИ» ТРЕНИНГИ

18-19 октябрь кунлари ҳамда 2–3 декабрь кунлари Олмаотада, шунингдек, 6–7 декабрь кунлари Талдикўрғанда тренинглари бўлиб ўтди. Бу тренинглarning мақсади ўткир ижтимоий масалаларни ҳал қилишда нодавлат ташкилотлари ва журналистларни самарали ҳамкорлик усулларига ўргатиш эди. Олмаотадаги тренингда оммавий ахборот воситаларида маркетинг коммуникациялари бўйича мутахассис, Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети ОАВ менежменти ва реклама кафедраси катта ўқитувчиси Марлан Негизбаева, Талдикўрғанда эса “Диалог Талдикорган” газетаси муҳбири Яна Бачевская тренерлик қилди.

Қозоғистон жанубий пойтахтида бу алоқалар чекка жойларга қараганда нисбатан яхшироқ йўлга қўйилган, бироқ ҳар иккала тренингда ҳам иштирокчилар мазкур ҳамкорлик натижавийлигини қандай қилиб ошириш мумкинлиги ҳақида кўплаб саволларни бердилар.

Тренинг кун тартибида “матбуот анжумани брифингдан нимаси билан фарқ қилади?”, “нодавлат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан қай тариқа дўстона матбуот ҳамкорлиги ўрнатиш ва ОАВ иштирокида тадбирларни қандай қилиб самаралироқ уюштириши мумкин”, “ҳар бир нодавлат ташкилоти учун керакли оммавий ахборот воситаларини қандай белгилаш мумкин” каби масалалар бўлди.

Тренер Яна Бачевская сўзларига кўра, маҳаллий нодавлат ташкилотлари кўпинча хусусий газеталар билан ҳамкорлик қилади, давлат газеталари билан эса қарийб

алоқа йўқ. Шунинг учун декабрь ойидаги учрашувга “бюджетчилар” ҳам чақирилган. Аснода, нодавлат ташкилотлари вакиллари фикрича, ОАВ диққатини жалб қилиш лозим бўлган ҳал қилинмаган ижтимоий масалалар етарли: ижтимоий хизматчилар етишмаётган бир пайтда ногиронлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суғориш ва ичимлик суви билан таъминлаш, етим болалар муаммолари кабилар ана шулар жумласидандир.

“Бунақа тренинглари қозоқ тилида ўтказила бошлагани жуда яхши бўлди”, - деб ҳисоблайди Чимкент аёллар ресурс маркази вакиласи Элмира Дуйсеева. ●





ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

## ҚОЗОҒИСТОНЛИК ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛМОҚДА



25-26 октябрь кунлари Олмаотада ва 28-29 октябрь кунлари Павлодарда Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг (IWPR) Қозоғистондаги ваколатхонаси томонидан уюштирилган “Ҳуқуқ муҳофазаси билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлари учун ижтимоий-маърифий фаолият” мавзусида тренинг-семинарлар бўлиб ўтди. Олмаота, Чимкент, Талдикўрган, Тороз ва Павлодардан бўлган 30 дан зиёд вакил тренер Ирина Чистяковадан (Бишкек) ахборотни кенг жамоатчиликка етказиш сирларини ўрганди. Ирина Чистякова – коммуникация соҳасидаги тренер-маслаҳатчи, Менежмент бўйича сертификатли маслаҳатчилар Марказий Осие институтининг тўлиқ бўлмаган аъзоси, Қирғизистон-Россия Славян универ-

ситети (ҚРСУ) халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси.

Тренер нодавлат ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кенгайтириш усуллари ва аудитория билан ишлаш йўллари ҳақида гапириб берди. Тренинг иштирокчилари асосий эътиборни айтарли харажат талаб қилмайдиган ижтимоий, “партизанлик” ва BTL-маркетингнинг барча жиҳатларини таҳлил қилишгагина эмас, ўзлари ишлайдиган гуруҳларга ахборотни таъсирли етказишга ҳам қаратдилар. Тренинг кўча томошаси, концерт ёки фотокўргазма каби ижтимоий-маърифий фаолият учун тадбир ёки усулларни танлаш масалаларини ҳам ўз ичига олди. Иштирокчилар бу каби тадбирлар режасини ҳозирладилар ва уларнинг самарадор-

лигини муҳокама қилдилар. “Ҳозир кўп нодавлат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка муҳтож, бироқ ҳуқуқ фаоллари кўпинча таҳририятларнинг у ёки бу шаклдаги нозик масалаларни ёритишни истасмаслиги билан тўқнаш келадилар. Бу тренингде мен журналистлар билан қай тариқа самарали ҳамкорлик қилиш ҳақида мулоҳазаларни ўзлаштирдим”, - деди Талдикўргандаги демократияга кўмаклашиш ҳудудий маркази директори Сания Қасабулатова. “Оммавий ахборот воситалари, улар билан ҳамкор қилишдаги барча қийинчиликларга қарамасдан, нодавлат ташкилотлари ва аудитория ўртасидаги самарали “кўприк” бўлиб ҳисобланади”, - деб ҳисоблайди “Қозоғистоннинг ҳуқуқий тараққиёти” нодавлат ташкилотининг раиси Кунсулу Макен. “Биз фақат матбуотга суяниб қолмаслигимиз керак, биз ўз аудиториямиз эътиборини жалб этиши мумкин бўлган самарали ва креатив тадбирлар ўтказиш олаимиз”, - дея қайд этди Макен. Ўз навбатида, “Аёллар - миллат келажиги учун” жамоатчилик бирлашмаси раисаси Жанна Бороздина қозоғистонлик маҳаллий ҳуқуқ фаолларининг асосий муаммоси ўз аудиториясини тўғри ва аниқ белгилаб олиш ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги бўлиб ҳисобланади, дея таъкидлади. “Бир қарашда оддий кўринган бундай нарсалар катта эътибор ва ўрганиш талаб қилади, чунки фаолиятимиздаги муваффақият кўпинча шунга боғлиқдир”, - дея сўзини хулосалайди Бороздина. ●

## АЛЕКСЕЙ МАЛАШЕНКО: «ГЕОСИЁСАТНИ ТУШУНАДИГАН ОДАМЛАРНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ БОРГАН САРИ ОРТАВЕРАДИ»



3 ноябрь куни Бишкекда Москвадаги Карнеги маркази илмий кенгаши аъзоси Алексей Малашенко иштирокида “Зиддият бўлиб ўтган мамлакатда қандай қилиб ишончли тиклаш мумкин” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. 4 ноябрь куни эксперт Ижтимоий сиёсат институти (IPP) лойиҳалари иштирокчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан маъруза-ўйин ўтказди. Ўйин демократия ва авторитаризмнинг мусбат ва манфий жиҳатларини муҳокама қилиш асосига қурилганди. Тадбир IPP томонидан Уруш ва тинчликни ёритиш ин-

ститутининг (IWPR) Қирғизистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда уюштирилди.

Малашенко “геосиёсатни тушунадиган одамларнинг Қирғизистонга бўлган қизиқиши борган сари ортаверади”, деган ишончда, чунки, биринчидан, бу Фарғона водийсининг бир қисмидир, иккинчи томондан, мамлакат Афғонистонга яқин, учинчидан, бу ер дарёлар боши бўлиб ҳисобланади.

Малашенко Қирғизистонда воқеаларнинг бундан буёнги ривож буйича уч муҳтамак сценарийни тақдим этди. Биринчи – инерцион

## ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

сценарий бўйича давлатда беш йил ичида ички интригалар бўлиб туриши, ким ҳокимият кучли фигуралар қўлида жамланиб, ким раҳбар эканини аниқлаш давом этади. “Бугунги 5-6 йирик партиядан ҳақиқатан қудратли бўлган икки куч шаклланиши мумкин. Бунақа шароитда авторитаризмга қараб ҳаракат бошланади”, - деди таҳлилчи.

Иккинчи – бўҳрон сценарийси бўйича Қирғизистонда “инқилоблар” оқими давом этади. Бу эса, Малашенко фикрича, қирғиз давлати учун ҳалокатлидир. У “Қирғизистон яна бир инқилобга дош беролмайди”, дея тахмин қилади. Ва ниҳоят, учинчи – ижобий сценарий бўйича сиёсий ва иқтисодий сакраш содир бўлади. Аммо уни бир неча омилни муваффақиятли бирлаштирган ҳолдагина амалга ошириш мумкин. Бунда халқнинг “енг шимариши”га тўғри келади.

Алексей Малашенко ҳар қандай ҳолатда ҳам “ҳар қанақа турғунлик ортга кетиш”ни англаганини тушуниш лозимлигини қўшимча қилди.

“Бу сценарийларнинг ҳаммаси Қирғизистонга бўлган таъкидлаш муносабатда ўз аксини топади”, - дея таъкидлади Малашенко.

Эксперт ҳақида: Алексей Малашенко узоқ вақт Россия Фанлар академиясида ишлаган, Халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармасининг (Carnegie Endowment for International Peace) “Дин, жамият ва хавфсизлик” дастури раҳбари, Москва давлат халқаро алоқалар институти профессори, Колгейт университетининг таклиф қилинган профессори бўлиб ҳисобланади, кўплаб илмий ишлар ва мақолалар муаллифи, сиёсатшунос, исломшунос. ●

## ҚИРҒИЗИСТОНДА ЁПИҚ МУАССАСАЛАРНИ ЯНАДА ПРОФЕССИОНАЛРОҚ МОНИТОРИНГ ҚИЛАДИЛАР

24 ноябрдан 26 ноябргача Иссиққўлда (Қирғизистон) қамоқхоналарда жамоатчилик мониторинги воситаларини ҳозирлаш бўйича учрашув бўлиб ўтди. Тадбир “Озодлик овози” жамоатчилик жамғармаси томонидан Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг (IWPR) Қирғизистондаги ваколатхонаси ва “Фридом Хаус” кўмагида уюштирилди.

“Озодлик овози” жамоатчилик жамғармаси раҳбари Сардар Бағишбековнинг қайд этишича, бу амалиётчи мутахассислар учун конкрет ўқув курси бўлди. Учрашув иштирокчилари бўлган Қирғизистон Жазони ўташ давлат хизмати, Омбудсмен (Ҳақиқатчи) аппарати ходимлари, ҳуқуқшунослар, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар вакиллари ёпиқ муассасалар мониторинги учун зарур бўлган барча воситаларни ҳозирладилар, шунингдек, Чўлпонота шаҳридаги 44-колонияга ташриф чоғида уларни синовдан ўтказдилар. Учрашувда 17 та турли биноларнинг хариталари ҳамда бешта турли гуруҳ билан интервью учун саволлар тузиб чиқилди.



Ишчи гуруҳга Арманистон республикаси “Фуқаролик жамияти институти” жамоатчилик жамғармаси президенти ва БМТнинг қийноқларга қарши қўмитаси кичик қўмитаси аъзоси Арман Даниелян модераторлик қилди. Қирғизистондан эса Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари гуруҳи эксперти Улуғбек Азимов ва мазкур гуруҳ директори Динара Саяқова тренерлик қилдилар.

Арман Даниелян махсус воситаларсиз мониторинг ўтказиш пировардида калта-култа маълумотга эга бўлиш эканини қайд этди. Воситалар

эса энг асосий муаммоларни кўздан қочирмаслик ва тизим ривожини динамикасини кузатиш имконини беради. У мониторинг самарадорлиги бир неча омилга боғлиқ эканини қўшимча қилди: бу қамоқхонага кириш имкониятининг бўлиши, тизим раҳбариятининг мониторинг гуруҳи ҳисоботларига етарлича эътибор бериши ҳамда мониторинг гуруҳларининг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланишидир.

“Ҳар куни маълум муҳитда бўлсангиз, бунга кўникиб қоласиз ва қандайдир нарсаларни сезмай қоласиз. Ҳозир бизнинг қўлимизда кузатув хариталари бор. Эндиликда ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиши учун мен ўзим ҳам бу каби хариталар ёрдамида вақти-вақти билан қўл остидагиларни текшириб туришим мумкин”, - деди учрашув иштирокчиларидан бири, Молдовановка қишлоғидаги 31-жазо муассасаси бошлиғи Қубаничбек Шаршембиев. Экспертлар фикрича, Қирғизистон пенитенциар тизимида ижобий томонга ўзгариш бор, бироқ бу жабҳада ҳали бир талай муаммолар бор бўлиб, улардан бири ахборот олиш имкониятининг чекланганидир. ●

## УЛУҒБЕК БОБОҚУЛОВ: «ЗИДДИЯТ ЧОҒИДА ЖУРНАЛИСТ КЎПИНЧА ЯГОНА АХБОРОТ МАНБАИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

2010 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Ўшда Боткен, Жалолобод ва Ўш вилоятлари журналистлари ва ҳуқуқ ҳимоячилари учун “Зиддиятларни ёритишда журналистлар хавфсизлиги” номли тренинг бўлиб

ўтди. Тренингдан мақсад журналистларни юридик ҳимоянинг турли жиҳатлари ва нозикликларига, ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ўргатиш эди.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ўргатиш учун тренингга Қирғизистон республикаси Қизил ярим ой миллий жамияти жанубий ваколатхонаси тренер-қутқарувчилари таклиф қилиндилар. “Альфа” детектив-

## ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ



қўриқчилик агентлигидан бўлган ўз-ўзини ҳимоя қилиш бўйича инструктор журналистлар ўз кучи билан зиддиятли вазиятдан чиқиб кетиши ва ўзини ҳимоя қилиши мумкин бўлган усуллари намойиш қилди.

Журналистика бўйича асосий тренер “МК-Азия” газетаси бош муҳаррири Улуғбек Бобоқулов бўлди.

“Журналистлар хавфсизлиги бу, шакшубҳасиз, долзарб мавзудир, чунки зиддиятли вазиятларда журналист кўпинча ягона ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун зиддиятли ёки экстремал вазиятдан соғ-саломат чиқиб кетишгина эмас, жамланган маълумотни сақлаб қолиш ҳам жуда муҳим”, - дейди тренер. ●

## ЭКСПЕРТЛАР ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ТОМОН ҚЎЙИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР



IWPRнинг Қирғизистон республикасидаги ваколатхонаси Халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармаси (Вашингтон) билан ҳамкорликда видео-Интернет-давра суҳбатларини ўтказишда давом этмоқда. Муҳокама жараёнида Қирғизистоннинг етакчи партиялари вакиллари ва таҳлилчилар ўзларининг америкалик ҳамкасблари – Марказий Осиё минтақаси бўйича тадқиқотчилар ва таҳлилчилар билан Қирғизистондаги жорий сиёсий воқеалар ҳақида фикр алмашадилар.

15 октябрь куни бўлиб ўтган сўнгги видеоанжуманлардан бири Қирғизистондаги парламент сайловлари (12 октябрь) натижаларига бағишланди. Бу сайловда халқ қайси партиялар қонун чиқариш органида улар манфаатини ҳимоя қилишини ҳал қилган. Мазкур сайловлар халқаро кузатувчилар томонидан Қирғизистон тарихидаги “энг очик” сайлов, дея баҳоланди, бироқ иштирокчи партиялар турфалиги оддий сайловчилар учун танлаш имкониятини мурракблаштириб юборди. Пировардида Қирғизистон парламентига (Жўғурку Кенеш) йигирма тўққиз партиядан бештаси – “Ата-Журт” (28 ўрин), Қирғизистон социал-демократик партияси (26 ўрин), “Ар-Намис” (25 ўрин), “Республика” (23 ўрин) ва “Ата-Мекен” (18 ўрин) ўтди.

Сайлов натижаларини шарҳлар экан, қатор экспертлар мамлакатдаги сиёсий жараёнларнинг айрим хусусиятлари ва трендларига эътибор қаратдилар. “Бу сайловларда парламентаризм бошқа бир тенденция – патернализм

турткиси билан четга чиқариб қўйилди”, - дея фикр билдирди “Полис-Азия” маркази директори Элмира Нўғўйбаева. Унинг фикрича, “партияларнинг бир қанчаси парламентга айнан патерналистик оқим сабаб ўтиб кетди ва [бу тенденция] ҳукумат шакллантиришда [ҳали яна кузатилади], чунки энди партияларнинг [шафеълари олдида] ўз мажбуриятлари бор”. Шу билан бирга, сиёсий курашда миллатчилик омилнинг тобора кучайиб бораётган роли ҳақида ҳамда қирғиз элитасининг муайян қисми [сайлов олдида] уюша олгани, бу уларни парламентга келишига сабаб бўлгани ҳақида ҳам фикрлар айтилди.

Шу билан бирга, экспертлар тахминича, Қирғизистонда ҳукумат бир неча партия иштирокида ташкил этилгани учун бўлажак ҳукуматнинг нормал ишлаши билан боғлиқ қийинчиликларни четлаб ўтиб бўлмайди.

Бошқа бир видеоанжуман эса 6 декабрь куни - парламентда коалицион кўпчиликни шакллантириш бўйича дастлабки ҳаракат муваффақиятсиз якунланганидан озроқ вақт ўтгач бўлиб ўтди. Нўғўйбаева фикрича, ҳар қанақа коалициянинг яшовчанлиги ва самарадорлиги ҳозирда савол остида турибди, чунки партиялар кўп йўналишларда бир-бирига мутлақо зид қарашга эгалар. Бироқ, сиёсий партияларнинг қатор вакиллари фикрига кўра, мамлакатдаги сўнгги воқеалар бошқарувнинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш бўйича нормал жараёнларни акс эттирмоқда. “Биз биринчи марта парламент тизимини барпо қилаёпмиз. Мен

## ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

бизга тажриба етишмаяпти, деб ўйлайман, бироқ бу фалокат дегани эмас – биз ўрганиб оламиз”, - дейди парламентнинг “Ата-Мекен” фракциясидан бўлган депутат Равшан Жеенбеков.

Сиёсий таҳлилчи Марс Сариев, ўз навбатида, парламентаризм тизими ўзаро келишиши ва “очиқ” ишлаши лозим бўлган сиёсатчиларнинг янги турини шакллантиради, дея тахмин қилади. Бундан ташқари, у ҳозирги сиёсий курашни таҳлил қилишда “бизни ташқаридан туриб моделлаштираётганлари”ни ҳам ҳисобга олиш муҳим, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ташқи кучлар Қирғизистон

ички сиёсатига потенциал таъсир қилиш имкониятига эга-лар.

Учрашув натижаларини хулосалар эканлар, иштирокчилар ҳукмрон коалиция барқарорлиги ва ҳукумат ишининг самарадорлиги барқарорликка жуда муҳтож бўлган мамлакат учун яқин келажакда асосий хавф бўлиб қолишини таъкидладилар. Бироқ 2011 йилда бўлажак президентлик сайловлари билан боғлиқ равишда сиёсий курашдаги суръат сақланиб қолади, айниқса сиёсатчиларнинг бир қисми ҳозирнинг ўзидан сайловларга тайёргарлик кўришни бошлаб юборган бир пайтда. ●

## ТОЖИКИСТОНДА МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИНГ РАФИҚАЛАРИ ВА БОЛАЛАРИ МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

2010 йилнинг 25 ноябридан 6 декабригача Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг (IWPR) Тожикистондаги ваколатхонаси “Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ” жамоатчилик ташкилоти билан ҳамкорликда меҳнат муҳожирлари рафиқалари ва фарзандларининг энг ўткир муаммоларини муҳокама қилиш бўйича Хўжанд, Ҳоруг, Қўрғонтепа, Тожиқобод ва Душанбе шаҳарларида қатор давра суҳбатларини уюштирди.

Нодавлат ташкилотлари фаоллари, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари билан иборат жамиятнинг турли қатламларидан бўлган 150 киши иштирок этмиш давра суҳбатлари чоғида меҳнат миграциясининг Тожикистондаги оила институтига салбий таъсири муаммолари муҳокама этилди.

Дейлик, Россия Федерацияси Федерал муҳожирлик хизмати маълумотларига кўра, 2010 йилнинг 1 январидан 20 октябригача Тожикистондан Россия ҳудудига 929 минг киши кирган. Уларнинг аксарияти иш излаб чиқиб кетмоқдалар. Россия расмий статистикасига мувофиқ, тожикистонлик меҳнат муҳожирлари ҳар йили ватанига 2 миллиард долларгача пул ўтказишади, бу эса Тожикистон даромадининг 40 фоизини ташкил қилади.

Иштирокчилар томонидан меҳнат миграцияси салбий таъсирларидан бири жамиятда ижтимоий алоқалар сусайгани бўлиб ҳисобланиши қайд этилди. Ижтимоий алоқаларнинг сусайиши бузилиб кетаётган оилалар кўпайишига олиб келади, бу эса, биринчи навбатда, аёллар аҳволида салбий акс этади. Улар ижтимоий, мол-мулк, уй-жойга алоқадор ва иқтисодий муаммоларга дуч келадилар. Боз устига, оила бузилиши ёки ота-оналарнинг меҳнат муҳожирлигига кетиши натижасида назоратсиз болалар сони кўпаяди ва бундай оиладан бўлган болалар, одатда, хатар гуруҳига тушиб қолади.

“Тожикистон меҳнат миграцияси муаммоларини ҳал қилишда, шубҳасиз, комплекс чора-тадбирлар қўллаш лозим. Бу чоралар меҳнат муҳожирлари борган мамлакатларида нафақат уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, балки уларнинг Тожикистонда қолган оилалари ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳисобга олиши лозим”, - деб ҳисоблайди “Перспектива Плюс” нодавлат ташкилоти раҳбари Ойниҳол Бобоназарова.

Бу учрашувлардаги муҳокамалар чоғида мавжуд вазиятни яхшилаш учун зарур бўлган тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур тавсиялар кейинчалик Тожикистон республикаси ҳукумати ва бошқа қизиққан ташкилотларга юборилади. ●

## ЧИМКЕНТДАГИ «БОЛАЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ» ДАВРА СУҲБАТИ

7 декабрь куни Чимкентда “Марказий Осие мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси доирасида Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг (IWPR) Қозоғистондаги ваколатхонаси ва “Медиа Ўнтустик” ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан уюштирилган “Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш” давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Жанубий Қозоғистон вилояти давлат тузилмалари, шу жумладан, вилоят маъмурияти қошидаги Аёллар ва болалар ҳуқуқи бўйича комиссия, Вояга етмаганлар ишлари бўйича давлат инспекцияси, маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатидан мақсад ҳудудларда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ишлаётган салоҳиятли

маҳкамалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари эътиборини бу соҳада йиғилиб қолган муаммоларга – ота-она қаровисиз қолган болалар ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясига, болаларга аёвсиз муносабатда бўлишга, таълим олиш имконияти ва давлат ҳуқуқий механизмлари самарадорлигига қаратиш эди.

Пировардида маҳаллий ва марказий ҳокимият органлари учун болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, Болаларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш, Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсмен лавозимини таъсис этиш, маҳсус “ювенал” судлар ташкил қилиш ва болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўпроқ эътибор қаратиш кабиларни ўз ичига олган тавсиялар қабул қилинди. ●

## ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДАГИ ЭТНИК ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНИШИ ШАРТ



*Ўзбекистон расмийлари, биринчи навбатда, асосий айбланувчилар этник ўзбеклар бўлиб қолаётган жанубдаги июнь воқеалари бўйича суд жараёнлари хавфсизлигини таъминлашлари лозим – 5 декабр куни НВСАга интервью берган Хьюман Райтс Вотч (Human Rights Watch) халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича бўлими директор ўринбосари Рейчел Денбер ана шундай фикр билдирди. Сурагчи: Рейчел Денбер (муаллиф И. Сикорская)*

*Хьюман Райтс Вотч вакиласи фикрича, июнь воқеалари бўйича расмий объектив маълумотларнинг йўқлиги, зўравонликнинг асосий ташкилотчилари ва ижрочиларининг жазосиз қолаётгани ҳам ўзбекистонлик ўзбеклар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида салбий акс этмоқда.*

**IWPR:** Расмийлар этник ўзбеклар ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётганини инкор қилаётган бир пайтда Ўзбекистон жанубдаги фаоллар бунақа ҳодисалар содир бўлаётганини маълум қилмоқдалар. Ўзбекистон жанубдаги вазият мониторинги ва суд жараёнларини кузатиш билан шуғулланаётган Хьюман Райтс Вотч ҳуқуқ ҳимоячиларининг бу борадаги кузатишлари қандай?

**Рейчел Денбер:** Биз яқинда сайланган депутатлар томонидан Ўзбекистон ҳукумати шакллантирилганидан кейин уларга юборадиган мактубимизни тайёрлаб қўйдик.

Унда биз Ўш ва Жалолобод воқеалари бўйича ўтказилаётган суд жараёнлари чоғида айбланувчилар, гувоҳлар, адвокатлар ва ҳуқуқ фаоллари хавфсизлиги таъминланмаганини қайд этганмиз.

Хьюман Райтс Вотч, фактларнинг очиқ-ойдинлигига қарамай, жиноятда айбланаётган кишиларга қарши қийноқ қўлланаётгани, улардан иқорнома олинаётганини текшириш зарурлигини таъкидлайди.

Биз Ўзбекистон расмийларини суд жараёнларининг барча иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга, гувоҳларга ёрдам кўрсатиш ташаббусини кўтаришга, судьяларга хавф-хатарнинг ҳар қандай шаклига мутаносиб ёндошишга масъулиятини юклашга чақирамиз. Бироқ бу етарли эмас. Бунда хавфсизликни таъминлай оладиган куч керак, чунки жазосиз қолиш давом эта-

диган бўлса, бу зиддият эскалациясига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси этник ўзбекларга дахлдор, чунки улар бу каби ишларда асосий айбдор сифатида кўрилаяпти.

Хьюман Райтс Вотч ташкилотимиз тадқиқотчилари айбланувчилар, адвокатлар ва уларнинг қариндошларига ҳужум қилишларга гувоҳ бўлган суд жараёнлари чоғидаги кузатувларга асосланмиш бир неча фактни келтиради. Масалан, бунақа ҳодисалар 2010 йилнинг 13 октябрида, 4 ноябрида қайд этилган.

Ҳукуматнинг расмий кишилари томонидан берилган турли-туман баёнотларда воқеаларни текширишда миллатчилик қилиш ва ўзбекларга нисбатан суд таъқиби бўлмагани таъкидланади. Масалан, ноябрь ойида Ўзбекистон президенти Роза Ўтунбаева: “Ўзбекистон жанубдаги суд жараёнларида ўзбек аҳолисига нисбатан дискриминация (камситиш) бўлган эмас”, деди.

Бироқ мониторинг бунинг аксини кўрсатмоқда: жараёнлар чоғида судлар ҳолис бўлган эмас. Август ойида қирғиз прокуратураси қўлга олинган 243 кишидан 29 нафари этник қирғиз бўлгани, қолган икки юздан зиёд киши эса ўзбек бўлганини қайд этди.

Ўш ҳудудида, Ўтунбаеванинг нутқида кўра, 100 нафар этник ўзбек июнь ойидаги тартибсизликларда айбдор, деб топилган, ваҳоланки, бу воқеаларда айбланган этник қирғизлар сони бор-йўғи тўққиз нафар эди.

## ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ



Хьюман Райтс Вотч ўтказган текширув бир қатор жиноятлар қирғизлар томонидан ҳам, ўзбеклар томонидан ҳам содир этилган, бироқ ҳибсга олинган ва қийноқ қурбони бўлганларнинг аксариятини этник ўзбеклар ташкил қилади.

Судларда хавфсизлик таъминланмаганидан ким жабр кўраяпти? Бу айбланувчи, гувоҳ, қариндош, ҳуқуқшунос бўлган этник ўзбеклардир. Бироқ прокуратура одамларнинг барчаси қонун олдида баробарлиги ва шу сабабли миллатга қаралмаслигини маълум қилган.

**IWPR:** Ҳозир Қирғизистон расмийлари: “Биз одамларни ўзбек ва қирғизга ажратмаймиз, уларнинг ҳар бири мамлакатимиз фуқароси бўлиб ҳисобланади ва улар фуқаро сифатида жавобгарликка тортилиши шарт”, демоқдалар.

**Денбер:** Расмийлар этносни кўрмаяпмиз деётганларида улар ниманидир яшираётгандек бўладилар, балки бунинг ортида вазиятга реал баҳо беришга имкон бермаётган ноҳолислик яширингандир.

Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамжамияти бунинг ўрганаёпти ва ортга боқаркан, биз расмийларнинг бунақа гаплари чиройли сўздан бошқа нарса эмаслигини аниқладик. Бу ҳулоса расмийлар мавжуд фактлар асосида объектив маълумот йиғмаётганлари, шубҳасиз, икки этник гуруҳ ўртасидаги зиддият бўлган июндаги зўравонлик бўйича адолатли текширув ўтказмаётганидан келиб чиқади.

Балки бу зиддиятнинг илдизи этник эмас, бундан чуқурроқ бўлиши мумкин, лекин тўқнашув икки этнос ўртасида бўлиб ўтди-ку. Эндиликда ҳукумат бошини

қумга тиқиб ололмайди. Мавжуд маълумотлар этник ўзбекларга нисбатан очилган жиноий ишлар сонидан ҳам, уларга нисбатан чиқарилаётган жазо ҳукмларида ҳам пропорционалликка риоя қилинмаётганини кўрсатади. Бунда ошириб юборилган ҳолатлар кўп.

**IWPR:** Ҳуқуқ ҳимоячилари Ўш ва Жалолободдаги зўравонлик чоғида ярадор бўлган айрим кишиларнинг тиббий хизматдан фойдалана олмаётгани, улар ҳали ҳам уйларида бўлиб, маҳаллий шифокорларга ёрдам сўраб мурожаат қилолмаётгани ҳақида маълум қилгандилар. Сизда бундай маълумотлар борми?

**Денбер:** Бунақа ҳодисалар август ойидаёқ қайд этилган, бунинг диққат билан ўрганиш керак.

**IWPR:** Ҳозир мамлакат жанубида ишлаётган Халқаро мустақил комиссия (Kyrgyzstan International Inquiry Commission) аъзолари уларнинг ҳисоботи декабрь ойи ўрталаридаёқ тайёр бўлиши мумкинлиги ҳақида маълум қилдилар. Сизнингча, бу ҳисоботнинг ёйинланиши ўзбеклар масаласига қанчалик таъсир кўрсатиши мумкин?

**Денбер:** У ёки бу маълумот, алоҳида баёнотларнинг этник ўзбеклар аҳволида акс этиши ҳақида бир нарса дейиш қийин. Мен уларнинг ҳаммасини биргаликда ўрганаемиз, деб уйлайман. Аммо, энг муҳими, биз бунга нисбатан муносабатни ва ҳисоботни ўрганиб чиққанидан кейин қирғиз расмийлари қандай чоралар кўришини ўрганаемиз.

Интервьюни IWPRнинг Ўзбекистон ва Туркменистон бўйича катта муҳаррири **Инга Сикорская** ёзиб олди.

*Мазкур мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштирилаётган “Марказий Осиё янгиликлари” лойиҳаси доирасида тайёрланди.*

ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ

## ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ЎЗБЕК ҚОЧҚИНЛАРИ ЎЗЛАРИНИ “ТАШЛАНДИҚ” ҲИС ҚИЛМОҚДАЛАР



*Муҳаммадқодир Қорабоев беш ойдан буён Фарғона водийсининг Ўзбекистон томонида қолган қочқинлар орасида юрибди. У бу ерга ёзда - Қирғизистон жанубида қонли тўқнашув бўлиб ўтганидан кейин келган. NBCАга берган интервьюсида у ноқонуний қочқинлар қандай яшаётгани ва улар нима учун ўз ватанига қайтишни истамаётганлари ҳақида гапириб берди.*

**Муҳаммадқодир Қорабоев:** Ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳозир бу ерда икки мингдан зиёд қочқин бўлиб, улар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги танишлари ва қариндошлариникида яшамоқдалар. Бу одамлар шу йилнинг июнь-июль ойларида Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир бўлган этник зўравонликдан сўнг Ўзбекистон ҳудудига қочиб ўтган юз минг ўзбек қаторида эди. Бу қочқинлар орасида нафақат мазкур вилоятларда яшаган этник ўзбеклар, балки Қирғизистоннинг бошқа вилоятларидан бўлган миллатдошларимиз ҳам бор эди.


**IWPR:** Бу одамларнинг ҳозирги аҳволи қанақа?

**Қорабоев:** Қочқинлар ичида ҳар хили бор. Улар орасида соғлом бўлганлар ҳам, тиббий ёрдамга ўта муҳтож бўлганлар ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги қариндошлариникида яшайпти, бошқалар эса ижарага уй олиб, ўша ерда кун кечиришга ҳаракат қилаяпти. Айримлар Россияга кетишга муваффақ бўлди.

**IWPR:** Ёзда Қирғизистон расмийлари қочқинлар ўз жойларига қайтгани, уларга ёрдам кўрсатилаётгани, уларга вақтинча уйлар қурилаётгани ҳақида эълон қилганди. Нима учун, сиз айтгандай, Ўзбекистон ҳудудида қолаётганлар уйларига қайтмадилар?

**Қорабоев:** Ҳозир бу одамлар Қирғизистон жанубига қайтишдан қўрқаяптилар. Чунки уларнинг уйлари

## ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ



ёқилган ва яқинлари ўлдирилган бу жойни ҳали ҳам тинч, деб бўлмайди ва ҳеч ким уларга хавфсизликни кафолатлай олмайди. Эсингизда бўлса, июль ойида болали аёлларимизнинг айримлари ўз уйларига қайтмоқчи бўлгандилар, аммо у ерда этник ўзбекларга нисбатан зўравонлик эскалацияси, одам ўғирлаш давом этди. Шу ваздан кўпчилик яна Ўзбекистонга қочиб ўтишга қарор қилди, чунки бу ер осойиштароқ. Қирғизистонда қолганлар эса расмийлар уларни ҳимоя қилади, деб ўйлагандилар, аммо улар ҳозир тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган.

**IWPR:** Ўзбекистонда моҳиятан ноқонуний равишда юрган жамоатингиз бундан буён нима қилмоқчи?

**Қорабоев:** Биз ватанимиз Қирғизистонда ҳаммаси жойига тушиб кетишига узоқ вақт умид қилиб юрдик. Аммо эндиликда биз расмийларга ишонмаймиз, чунки бизга жанубда этник ўзбекларни ҳадиқда ушлаб турган уюшган жиний гуруҳлар тараллабедод қилиб юрганини айтишяпти. Биз суд таъқиблари ва босимлар ҳақида биламиз. Биз қирғизистонлик ва ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари иштирок этган Остонадаги ЕХХТ самми-

тидан умид қилгандик. Аммо бизга маълум бўлишича, ҳатто қирғизистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам ҳозир вазиятга таъсир кўрсатолмаяптилар, чунки улар ҳам ўзбеклар масаласини кўтарадиган бўлса, ўз хавфсизлигидан чўчиётган эканлар.

КХШТ саммитидан [14 декабрь] кейинги кунларда озгина умид пайдо бўлганди: қирғиз расмийлари озгина қимирлаб қолгандилар, ўртада ҳатто биз билан учрашиш ва сўзлашишни таклиф қилган воситачилар ҳам пайдо бўлганди. Аммо, муаммо шундаки, биз уларга нисбатан ишончни йўқотганмиз. Улар бир нарсани ваъда қилиб, бошқасини қилишлари мумкин.

**IWPR:** Қочқинлар гуруҳи қай шароитда ўз жойларига қайтишлари мумкин эди?

**Қорабоев:** Бу борада бир нарсая дейиш қийин, чунки ҳозирги вазиятда бизга ҳеч ким кафолат беролмайди. Июнь фожеаларидан кейин Андижонга маҳаллий ҳоким ва қочқинлар билан учрашиш учун [эслатма - 2010 йилнинг 22 июлида] Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти губернатори Бектур Асанов келган пайтда, у Қирғизистон ҳудудида ўзбекларга ҳеч ким тегмаслигини ваъда қилганди, “ҳаммаси назорат остида”, деганди. Аммо, бизга айтишларича, назорат ҳали ҳам йўқ экан, кўплаб ўзбеклар жиноятларда гумонланаётган экан, ҳибсга олишлар бўлаётган экан, ҳатто милиционерлар ўзбекларни “сиқиб чиқариш” ҳақида махфий кўрсатма борлигини айтишаётган экан. Бундан ташқари, тартибсизликлар оғир зирҳли техника, автомат ва гранатометлар билан бостирилган пайтда юзлаб этник ўзбеклар ўлдирилганидан кейин ҳам ҳалигача бирорта жиноятчи жазоланган эмас. Бироқ этник ўзбеклар ичида тартибсизликларда қатнашгани учун судланганлар бор. Ўзбеклар ўз уйлари ва фарзандларини зўравонлардан қўриқлаганлари учун уларни тутиб кетмоқдалар ва қотилга чиқармоқдалар. Бу бошбошдоқликни уюштирганлар эса ҳалигача озодликда юришибди.

**IWPR:** Қирғизистонлик қочқинлар ҳалигача ўз ҳудудида юрганига Ўзбекистон расмийлари қандай қараяптилар?

**Қорабоев:** Маҳаллий ҳокимият бизга мутлақо ёрдам бераётгани йўқ. Қочқинларда ҳеч вақо бўлмагани учун шу кунларда биз дори-дармон, озиқ-овқат ва иссиқ кийимдан ёрдам қилишни сўраб, Тошкентдаги Қизил ярим ой жамияти ваколатхонасига мурожаат қилдик. Биз БМТ, ЕХХТ, ЕИ каби барча халқаро ташкилотларга мурожаат қилдик, биз бир неча бор хорижик ташкилотлар вакиллари билан учрашдик, уларга ўз муаммоларимиз ҳақида гапириб бердик, бироқ масала ҳамон ҳал бўлгани йўқ. Биз нима қилишни билмай турибмиз.

*Мазкур мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштирилади*  
*“Марказий Осиё янгиликлари” лойиҳаси доирасида тайёрланди.*



## МАХСУС РЕПОРТАЖ

# КАМБАҒАЛЛИК ҚИРҒИЗИСТОНДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИДАН ФЙДАЛАНИШГА ТУРТКИ БЎЛМОҚДА



*Оғир турмуш болаларни мактабни ташлаб, ишлашга мажбур қилмоқда*

“Пўшт, йўл беринг!” – дея қичқиради Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳридаги деҳқон бозорида сабзавот тўла аравани итариб кетаётган озгин ўсмир ўзига йўл очаркан.

Ёши атиги 15 да бўлган Нурлан ўз ишининг устасидек таассурот қолдиради. Аслида шундай деса ҳам бўлади, ахир у аравада юк ташиётганига икки бўлди.

У сахар соат бешда туради, бир соатдан кейин эса ижарага арава олиб, иш бошлайди. Нурлан 100 килограммгача бўлган юкларни бозор расталаридан харидорнинг автомобилгача, айрим пайтларда эса яёв юрганда 20 дақиқада етиш мумкин бўлган бошқа бозорга олиб бориб беради.

Мавсумига қараб бу бозорда 150 тадан 200 тагача ўсмир аравакашлик қилади. Бундай манзара бутун Қирғизистон бўйлаб бошқа бозорларда ҳам кузатилади. Гарчи бу бозорда энг ёш аравакашликнинг 14 га кирган бўлсада, бошқа бозорларда бундай иш билан 10 ёшдан кичикроқ бўлган болалар ҳам шуғулланадилар.

Нурланнинг тарихи кўпчилик аравакашларникидан фарқ қилмайди. Унинг отаси ичган, онаси Кенже болаларини олиб (уларнинг энг каттаси Нурлан), эрининг ёнидан кетиб қолган. Икки йил аввал оила яхши ҳаёт орзусида Чуй вилоятидаги қишлоқдан пойтахтга кўчиб келган.

“Онам ва укаларим билан Бишкекка кўчиб ўтганимиздан кейин мен дарров иш излашга тушдим. Онамга ёрдам беришни жудаям хоҳлагандим, - деб эслайди Нурлан. – Тоғам сабзавот бозорида аравакашлик қилишни таклиф қилди ва бу ерда болалар яхши пул топишини айтди. Албатта, у мени бу ерда иш оғирлигини айтиб огоҳлантирди, бироқ бу-

ниси мени унча ташвишга солмасди – мен пул топишим керак эди”.

Нурлан ишининг оғирлигини тан олади. У ўзига бозорда менсимасдан муносабатда бўлишларини айтади.

“Аравакашлик қилиш давомида менга юк ортилган эшакдек муносабатда бўлишларига кўника бошладим ва буюртмачиларнинг ҳокимона бақир-чақирларини жим туриб эшитадиган бўлдим, - дейди у. – Мен бу таққирли ҳолатдан кутулишни, пул йиғиб, таълим олишни ва бошқа иш топишни истардим, бироқ ҳозирча шунга кўнишга мажбурман”.

Ҳозир Нурлан ўрта мактабнинг саккизинчи синфида ўқиши керак эди, бироқ у кун бўйи ишлаш имкониятига эга бўлиш учун бир йил аввал ўқишни ташлаб кетган. У ўқишни давом эттиришни истайди, бироқ бунинг яқин орада содир бўлиши амримаҳол эканини ҳам тушунади.

Унинг оиласи кўнига Нурлан ишлаб топган 5-10 долларга жуда муҳтож. Онасининг овқат сотиб толадиган пули билан қўшиб ҳисоблаганда оиланинг умумий даромади ойига 175 долларни ташкил қилади, бу пулдан 55 доллари уй ижарасига кетади.

Кенже Нурланни мактабга юбора олмаётганидан афсусланади, бироқ у ўз оиласининг “уйдаги бор нарсани сотиб ичадиган ва болаларини урадиган” эри турган қишлоққа қайтмаслигини айтади.

“Бу ерда биз биргаликда қашшоқлик домидан кутулишимиз мумкин”, - деди у. Бу интервьюдан сал ўтмай у кўпроқ пул тўланадиган тикувчилик ишини топишга муваффақ бўлди ва оиласининг аҳволи бироз яхшиланди.

## ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ

## ҲАР ЎНТАДАН ТЎРТТА БОЛА ИШЛАЙДИ

Ишлаётган болалар сони қанчалиги ҳақида ҳалигача тўла маълумот йўқ. Бу борадаги ягона мавжуд маълумотлар 2007 йилга тегишли. Мазкур статистикага мувофиқ, Қирғизистондаги болаларнинг 40 фоизидан ортиқроғи у ёки бу шаклда меҳнат қилади. Бу маълумотлардан болаларнинг қанча фоизи тўлиқ бўлмаган иш куни билан ишлаётганию қанча мактабга боришни давом эттираётганини аниқлашнинг имкони йўқ.

“Эл Пиқир” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ЮНИСЕФ билан биргаликда ўтказилган тадқиқот 40 мингдан зиёд бола – мактаб ёшигача бўлган болалардан қарийб тўрт фоизи 2007 йилда мактабга мунтазам бормаган ёки мутлақо қадам қўймаган. Қатор нодавлат ташкилотлари ҳақиқий маълумотлар бундан уч баробар кўп, яъни 14 фоизга яқин бола таълим олмаяпти, деб ҳисоблайди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Бишкекдаги ваколатхонасида IWPR қатор нодавлат ташкилотлари томонидан йиғилган маълумотга кўра, “Эл Пиқир” очиклаганидан уч баробар кўп – 120 минг бола мактабга қатнамаётганини айтдилар.

“Қирғизистонда ишлаётган болалар ҳақида расмий статистика йўқ, - дейди аввал таълим вазири ўринбосари лавозимини эгаллаб турган, ҳозирда парламент депутати бўлган Ирина Карамушкина, - Жойлардаги раҳбарларнинг жуда кўпи (мисол учун, вилоят таълим бошқармалари бошлиқлари) рақамларнинг борини кўрсатса, ишдан бўшатиб юборишларидан кўрқади. Шунинг учун бу болаларни ҳалигача ҳеч ким санаб чиққани йўқ”.

Қирғизистон конституцияси болалар меҳнатидан фойдаланишни маън қилади. Мамлакат бу масала бўйича асосий халқаро ҳужжатларни – БМТнинг Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенциясини, Халқаро меҳнат ташкилотининг ишга қабул қилиш учун минимал ёш ҳақидаги конвенциясини, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг болалар меҳнатининг энг хунук шакллари маън қилиш ва уни тугатиш бўйича ошиғич чоралар ҳақидаги конвенциясини ратификация қилган.

Миллий қонунчиликда иш берувчи 16 ёшдан кичик бўлган, истисновий вазиятларда эса 15 ёшдан кичик бўлган фуқароларни ишга қабул қила олмаслиги аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган.

Муаммо шундаки, яширин иқтисод жабҳасида ишлаётган болалар, худди катталар каби, беркитиқча фаолият юритадилар. Уларга катталардан кўра озроқ пул тўлайдилар ва улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаганлари учун ювошроқ.

“Бозорларда ишлайдиган аравакаш болалар ишга ёловчилар билан ёзма меҳнат шартномаси тузмайдилар ва оғзаки шартнома асосида ишлайдилар: ахир қонун болалар меҳнатидан, айниқса унинг хунук шаклларида фойдаланишни маън қилади, чунки бу ишда бола оғир юклар ташишига тўғри келади”, - деди IWPRга Халқаро меҳнат ташкилотининг Қирғизистондаги вакили Амина Қурбанова.

Болалар томонидан бажариладиган бошқа ишлар сирасига ахлат йиғиш, бозорларда мол сотиш ва машина ювиш кабилар киради. Қурбанованинг қайд этишича, баъзан болалар кўмир қазий ва ташландиқ уран чиқиндионаларида металллом қидириш каби хавфли ишни бажарётгани ўта ташвишларли ҳолдир.

БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ҚИШЛОҚ  
ЖОЙЛАР УЧУН ОДДИЙ ҲОЛ

Болалар меҳнатидан фойдаланиладиган асосий соҳалардан бири бу қишлоқ хўжалиги бўлиб, бу жабҳада иш-

лаш ҳуқуқ-тартибот идоралари учун ўта қийин. Бунда бола кўп жиҳатдан оқлаш мумкин бўлганидек, ота-онаси учун бирор ишни қиляптими ёки соатлаб оғир меҳнат билан шуғулланаяптими – аниқлаш мушкул.

Карамушкина баъзи болалар ота-онасига ёрдам беришни истаса, баъзан “болалар ўқишни истаса ҳам, ота-оналар уларни ишлашга мажбур қилиши”ни айтади.

Карамушкинанинг қайд этишича, болалар норасмий равишда Қирғизистон Совет Иттифоқи таркибига кирган даврларда – давлат пахта ва тамаки далаларида қўшимча ишчи кучи керак бўлган пайтда ҳам ишлаганлар.

Ҳозир нафақада бўлган ўқитувчи Кўкуш Сагиналиева турмушнинг доимий машаққатлари болалар меҳнатига бўлган муносабатни салбий томонга ўзгартирганини айтади.

“Аввал бола ота-онасига, қариндошларига ёрдам бераркан, мустақил ҳаёт учун зарур бўлган малакага эга бўларди, - дейди у боланинг уй юмушлари билан банд бўлиши одатий ҳол бўлганини қайд этаркан. – Бола меҳнати катталар томонидан рағбатлантирилган ва маъқулланган, бироқ ёрдам ва эксплуатация ўртасида чегара бор. Афсуски, кейинги йилларда аҳоли оммавий равишда қашшоқлашди ва катталар бу чегарани билмай қолдилар. Ҳозир болаларни қулдай ишлашга мажбур қилмоқдалар. Бунга ким айбдор? Давлатми? Ота-оналарми? Болаларни эксплуатация қилаётган одамларми? Менимча, уларнинг ҳаммаси айбдор бўлса керак”.

Қирғизистон шимолидаги Талас вилоятининг Кенарал қишлоғидан бўлган 15 ёшли Нурбўлсун қишлоқ учун хос бўлган ўсмир-ишчи. Одатда у мактабга қатнайди, бироқ баҳорги экин-тикин ва кузги йиғим-терим мавсумида у дарсга мутлақо борма қўяди.

“Кузда ва баҳорда синфдошларимнинг ҳаммаси далада бўлади”, - деди у бу пайтда ҳатто ўқитувчилар ҳам ишга келмаслигини кўшимча қиларкан.

Нурбўлсин ўз оиласига тегишли ер участкасида ишлайди, бу ерда улар оиласига асосий даромад келтирувчи ловия етиштирадилар. Бундан ташқари, ўсмир мол-қолга қарайди ва картошка етиштириш билан шуғулланади.

“Мен болалигимдан, 7-8 ёшимдан далада ишлайман, - деди у. – Ҳозир бутун хўжалик ишлари менинг зиммамда... Ҳозир ўқишга бормаяпман, вақт йўқ”.

Қайд этиш жоизки, Нурбўлсун зиёли оила фарзанди. Унинг отаси дипломли иқтисодчи, лекин соҳаси бўйича ишга жойлаша олмаётгани учун ҳозир далада ишлайди. Онаси бошланғич синф ўқитувчиси, бу ишда эса кўп пул топиб бўлмайди. Уларнинг уйида беш фарзанд ва озгина нафақа оладиган буви яшайди.

Нурбўлсуннинг раҳматли бобоси мактаб директори бўлган. Унинг ўзи ҳам қачонлардир бобоси изидан бормоқчи бўлган. Унга мактабда ўқиш ёқарди, бироқ у кўп дарс қолдиргани учун ўқишга киришга билими етарли бўлмаслигини тушунади. Шунинг учун ҳам у каттароқ бўлганида қаҳвахона очиш ёки ерни ижарага бериш каби кичикроқ бизнес ташкил қилишни режалаб юрибди.

Экспертлар бунақа дарс қолдиришлар яхши таълим кўрмаган авлоднинг пайдо бўлишига ва саводхонлик даражасининг пасайишига олиб келишини, бу эса бундай одамлар учун қашшоқликдан қутулиш имкониятини камайитиришини айтадилар.

“Назоратсиз меҳнат амалиёти таълим сифатига, айрим ҳолларда эса болаларнинг соғлиғига зарар етказмоқда”, - дейди мустақил ҳуқуқ ҳимоячиси Елена Воронина.

## СПЕЦИАЛЬНЫЙ РЕПОРТАЖ



#### АВВАЛГИ РАСМИЙЛАРНИНГ ИШ БЕРУВЧИЛАРГА НИСБАТАН ЮМШОҚ МУНОСАБАТИ

Бугунги кунда болалар меҳнати бўйича қилинаётган ишларнинг катта қисми нодавлат ташкилотлари томонидан бажарилмоқда. Шунга қарамай, экспертлар муаммо ечими давлат муассасалари ҳамда вақти-вақти билан амалга ошириладиган ихтиёрий ёрдам кундалик жисмоний меҳнатдан фарқ қилишини тушунадиган ота-оналарнинг биргаликдаги ҳаракатини талаб этишини айтадилар.

Карамушкина сўзларига кўра, қишлоқ хўжалиги жабҳасида болалар меҳнати масаласи шунчалик нозикки, тегишли қонунларни амалга ошириш зарур бўлган пайтда сиёсий ирода етишмай қолаяпти. Кўпинча маҳаллий расмийлар фермерлик хўжаликлари ва бошқа бизнесга босим ўтказишдан чўчийдилар, улар эса, ўз навбатида, арзон иш кучидан фойдаланишдан манфаатдор.

“Ҳеч ким қарор чиқариш масъулиятини ўз бўйнига олмайди, чунки бунақа ҳужжатни кейин бажариш ҳам керак”, - деди у.

Меҳнат, аҳоли бандлиги ва миграция вазирлиги қошидаги ёшларнинг меҳнат биржаси раҳбари Азиз Аҳмедов бола меҳнатидан фойдаланаётган иш берувчиларни жавобгарликка тортиш бўйича бор-йўғи бир-икки ҳодиса қайд этилганини айтади.

“Ҳозир турли-туман давлат инспекциялари бор, бироқ, нафсиламрини айтганда, мамлакат бозорлари-

да ва иқтисодийнинг бошқа жабҳаларида болалар катта ҳажмдаги ишларни бажараяптилар, бола организми учун хатарли бўлган катта юкларни ташияптилар ва бу жазосиз қолмоқда”, - деди Аҳмедов.

Ёшлар ташкилотининг ўзини таништиришни истамаган аъзоси ҳозир коррупция ўта қулоқ ёйгани учун жазодан осонгина қутилиб кетиш мумкинлигини айтади.

“Ҳатто унинг [иш берувчи] олдига текширувчилар келган тақдирда ҳам у пул билан қутилиб кетиши мумкин”, - деди у.

Карамушкинага кўра, муаммони ҳал қилиш учун бунга қатор давлат муассасалари – Соғлиқни сақлаш, Таълим вазирлиги ва Ёшлар ишлари бўйича вазирлик ҳамда энг аввало, Меҳнат, аҳоли бандлиги ва миграция вазирлиги қошидаги Болаларни ҳимоя қилиш бўйича департамент аралашуви талаб этилади. У мазкур департамент етарли даражада самарали иш олиб боролмаётганини, улар “баъзан давра суҳбатларида иштирок этиб, нималарнидир гапириб” қўйиш билан чекланаётганлари ва иш шундан нарига ўтмаётганини таъкидлади.

Карамушкина ҳозирда шакллантирилаётган янги ҳукумат болалар меҳнати масаласини албатта кун тартибига киритишини айтиб, агар Болаларни ҳимоя қилиш бўйича департамент ўз мажбуриятларини бажармайдиган бўлса, у парламентдаги мавқеидан Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Болалар ҳуқуқлари бўйича махсус вакил лавозимини таъсис этиш масаласини қўйиш йўлида фойдаланишини айтиб огоҳлантирди.

Карамушкинага кўра, қишлоқ хўжалиги ишлари авж паллага кирганда ишчи кучи танқислигини қоплашнинг амалий ечимлари мавжуд, масалан, бунда олий ўқув юртлари ёки билим юрти талабаларини вақтинча ишга жалб қилиш мумкин.

“Адилет” ҳуқуқий клиникаси раҳбари Чўлпўн Жақупова учун болаларнинг мактабга бориши ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

“Бепул бошланғич таълим бола учун нафақат ҳуқуқ, балки мажбурият ҳамдир. Уларнинг қонуний мажбуриятлари бажарилишига тўсқинлик қилаётганларнинг ўзлари қонунни бузган бўладилар ва улар бу иш учун жавобгарликка тортилишлари керак”, - деди у.

Бироқ аҳволнинг бунақа бўлишига сабаб бўлаётган асосий омил – қашшоқликни Қирғизистон расмийлари тез орада тугата оладиганга ўхшамайдилар.

Давом этаётган иқтисодий бўҳрон даврида янги ҳукумат июн ойидаги этник тўқнашувдан жабр кўрган Қирғизистон жанубини тиклаш учун қўшимча харажатлар сарфлаш мажбурияти билан юзма-юз қолди.

Сўралганлардан айримларининг исмлари ўзгартириб берилди. ●

**Асил Ўсмўналиева ва Гулзат Абдурасулова,**  
IWPR тренингларида ўтган қирғизистонлик журналистлар.

## ҚОЗОҒИСТОН

ЎЗБЕК ҚОЧҚИНЛАРИ ҚОЗОҒИСТОНДАН  
ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНИШ ХАВФИ ОСТИДА

*Қозоғистон ҳукумати, ратификация қилинган халқаро меъёрларга қарамай, қочқинларга нисбатан янги қонун қўлламоқда.*

Ўзбекистонлик қочқинлар гуруҳи, афтидан, Қозоғистоннинг қочқинлар билан ишлаш бўйича қабул қилган халқаро меъёрларига нисбатан афзалликларга эга бўлган янги қонун ва қоидалар кучга киргани боис депортация қилинишнинг реал хавфи остида қолмоқдалар.

Инсон ҳуқуқ ҳимоячилари бошпана излаётган қочқинлар Ўзбекистонга бериб юборилган тақдирда уларни у ерда қамоқ ва қийноқлар кутаётганидан хавотир билдирмоқдалар.

Қозоғистонда қочқин мақомини қўлга киритишга уринган 29 нафар ўзбек қочқини жорий йилнинг июн ойида ноқонуний муҳожирларни овлаш бўйича Ички ишлар департаменти томонидан ўтказилган рейд давомида қўлга олинган 45 киши орасида бўлган.

Уларнинг 15 нафари кейинроқ қўйиб юборилган, қолган 30 киши эса Ўзбекистон ҳукуматининг уларга нисбатан экстрадиция қилиш талабини қўйгани боис тергов ҳисбонасида сақланмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати уларни қатор қонунбузарликларда, хусусан, террорчилик, диний экстремизм ва таъқиқланган исломий гуруҳларга аъзоликда айблаб келади. Ҳибсда сақланаётганларнинг барчаси бу айбловларни рад қилмоқдалар.

Ҳибсда сақланаётган 30 қочқиннинг 17 таси бошпана изловчи шахс сифатида рўйхатга олингани қайд этилмиш БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссари Олмаота ваколатхонаси сертификатларига эгадирлар.

Шунга қарамай, январ ойида Қозоғистонда кучга кирган янги қонунга мувофиқ, бошпана сўраш бўйича барча аризалар, уларнинг мамлакат ҳукумати ёки БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссари Олмаота ваколатхонасига тақдим этилишидан қатъий назар, қочқин мақомини бериш ёки бермаслик ҳақида қарор қабул қиладиган махсус комис-

сия ҳукмига ҳавола этилади.

Август ойида комиссия 30 нафар қочқиннинг ишини кўриб чиқиб, уларнинг барчасига рад жавоби берди. Бир кишидан ташқари бу қочқинларнинг барчаси комиссия қарори юзасидан судга шикоят аризаси билан мурожаат қилдилар.

Бундан фақат Ўзбекистон фуқаролари бўлмиш бошқа қочқинлардан фарқли равишда Қирғизистон фуқароси бўлмиш этник ўзбек Хуршид Комилов мустасно бўлди. У Қозоғистон ҳукуматига бошпана беришни сўраб мурожаат қилмади, БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссари Олмаота ваколатхонаси эса унга аввал тақдим этган қочқинлик мақомини бекор қилди.

Шу сабаб Комиловнинг адвокатлари суд қарори юзасидан шикоят аризасини беролмадилар ва экстрадиция ҳақидаги қарор кучга кирди. 8 сентябр куни Комилов Ўзбекистонга бериб юборилди.

Қозоғистон Бош прокуратураси Комилов ўзи фуқароси бўлган давлатга эмас, балки Ўзбекистонга депортация қилингани сабаблари юзасидан шарҳ беришдан бош тортиди. (Комилов билан боғлиқ воқеа тўғрисида батафсилроқ **Қозоғистон-Ўзбекистон: экстрадиция қилинган Комилов иши бўйича маълумотнинг йўқлиги** деб номланган мақолада ўқинг.)

Миграция ишлари бўйича қўмитанинг Олмаота шаҳар департаменти директори Гулсара Алтинбекова комиссия бошпана бериш юзасидан қочқинлар сўровномаларига нима сабабдан рад жавоби берганини IWPРга қўйидагича изоҳлади. "Биз уларни қочқин дея тан ололмаймиз, чунки ўз келиб чиқиш давлатларида улар диний ва экстремистик ташкилотларга дохил бўлганлар", - деди у.

Аризалар кўриб чиқилгач, ҳибсда сақланаётган 29 нафар қочқиннинг ҳаммаси Ўзбекистонга депортация қилиниши эҳтимолдан ҳоли эмас.

## ҚОЗОҒИСТОН



Қозоғистон инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш халқаро бюросининг ходими Денис Живага сўзларига кўра, суднинг комиссия қарорини бекор қилишига бўлган умид кам.

Гарчи ҳозир Қозоғистон қочқинлар иши бўйича тергов олиб боришда ўз қонунларига асосланиб иш тутаётган бўлса-да, мамлакат ўзига маълум бир мажбуриятлар юкламиш БМТнинг қийноқларга қарши Конвенциясини ратификация қилган. Хусусан, Қозоғистон бирор шахсни “қийноққа солиниши мумкинлиги юзасидан жиддий асослар бор” бўлган давлатга депортация ёки экстрадиция қилмасликка мажбур.

Ўзбекистонда қўлга олинганларга нисбатан қийноқлар қўлланилиши бўйича жиддий далиллар мавжуд, дейилади БМТнинг Қийноқларга қарши комитети ва жорий йилнинг март ойида ўзбек ҳуқуқ фаолларининг БМТга тақдим этган ҳисоботларида.

Женевада жойлашган БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссари бошқармаси жамоатчилик алоқалар бўйича мутахассиси Бабар Балохнинг IWPRга айтишича, Қозоғистоннинг қочқинлар мурожаатлари бўйича ишлаш жараёнига киритган ўзгаришларига қарамай, экстрадицияга қарши ҳимоя механизмлари ўз кучида қолади.

“Қочқинлар тўғрисидаги янги қонун доирасида Қозоғистон 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қочқин мақомини аниқлаш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонунга кўра, шахс қочқин дея тан олиниш ёки олинмаслигидан қатъий назар, маълум бир шароитларда экстрадициядан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир”, - деди у.

Қозоғистон ва унинг хорижидаги ҳуқуқ ҳимоячилари қочқинлар тўғрисидаги қонуннинг баъзи бир бўлимларида ноаниқлик бўлиб, комиссиянинг ўзбек ҳуқуқати томонидан келтирилган далилларни тан олиши унинг чиқарган қарори юзасидан жиддий саволлар туғдиришини таъкидламоқдалар.

Қочқинлар мақоми тўғрисидаги БМТ Конвенциясига мувофиқ, киши ҳаётига хавф солса ёки уни диний эътиқоди ва сиёсий қарашлари сабаб таъқиб қутаётган бўлса,

Қозоғистон қонуни бундай шахсларнинг экстрадиция ёки депортация қилинишини таъқиқлайди. Аммо қонунда бошпана истаб мурожаат қилган кишиларга, улар қандайдир “таъқиқланган ташкилот”га аъзоликда айбланган тақдирда бу кишиларга рад жавоби берилиши айтилгани билан мажбур ташкилот бошқа мамлакатда бўлгани каби Қозоғистонда ҳам таъқиқланган бўлиши лозимлиги ёки йўқлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.



Суратда: Швецияда ўзбек қочқинлари ҳимоясига ўтган пикет.

Инсон ҳуқуқлари Халқаро федерацияси (FIDH) вакиласи Кэтрин Бут бирор кишига унинг ватанида таъқиқланган диний ташкилотга аъзолигини баҳона қилиб, қочқинлик мақоми берилмаслиги Қочқинлар тўғрисидаги конвенция моддаларига зид келишини айтади.

“Уларнинг бу [таъқиқланган] диний гуруҳга алоқадорлиги сохталаштирилган ёки исботланмаган бўлиши мумкин ва бу диний мотивлар бўйича таъқиб ҳисобланади”, - деди Бут.

Қозоғистон комиссияси ўз қарорларини кўпроқ қочқинлар экстрадициясини талаб қилаётган давлат, яъни Ўзбекистон томони келтирган далилларга асосланиб чиқараётганга ўхшайди. Бу эса БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссари бошқармасининг ҳар бир ҳолатда

## ҚОЗОҒИСТОН / ҚИРҒИЗИСТОН

қатор манбалардан маълумот олиш амалиётидан жиддий чекиниш ҳисобланади.

Қозоғистон миграция полицияси билан ишлайдиган ва ўз исми ошкор этилмаслигини истаган олмаоталик прокурор давлат идоралари ходимлари бошқа давлатдаги ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишга мажбур эканлигини, аммо бу ҳолат қайсидир бир маънода улар фаолиятини чекаб кўяётганини эътироф этди.

“Бизда шахснинг жиноят содир этганлиги тўғрисидаги айбловнинг адолатли эканини текшириш учун на ҳуқуқ, на имконият мавжуд, – деди у IWPPrга. – Биз буни борица қабул қилишга мажбурмиз”.

Живага Қозоғистон комиссиясини айбламаслиги, чунки у амалдаги қонун талабларини бажараётганини айтди. “Аксинча, – дейди у, – қониқарли бўлмаган қонунчилик

Қозоғистон ҳукуматининг ўз бўйнига олган халқаро мажбуриятларни бажаришга сиёсий иродаси йўқлиги боис мураккаблашиб боради”.

Гарчи қонун Қозоғистондаги вазиятни мамлакат имзолаган Қочқинлар тўғрисидаги Конвенцияга тўла мувофиқлаштиришни мақсад қилган бўлса-да, бу қонун тескари самарага эга бўлиши мумкинлиги борасида хавотирлар бор ва ҳозирда мамлакат ўз зиммасидаги халқаро мажбуриятларни бажаришга эмас, балки иккитомонлама ва минтақавий депортацияни тартибга солишга кўпроқ аҳамият бермоқда.

“Бизнинг мамлакат учун минтақавий битимлар ҳар қанақа халқаро битимдан кўра муҳимроқ экани аниқ”, - деди Живага.€

**Андрей Гришин**, Қозоғистон инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш халқаро бюроси ходими.

## ҚИРҒИЗИСТОН

## ҚИРҒИЗИСТОНДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ АШАДДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК КЎЛАМИНИ ҚАНДАЙ ҚИСҚАРТИРИШ МУМКИН



Вознесеновкадаги колониянинг ички ҳовлисидаги ёзув.

Е. Воронина фоторати

*Мамлакатда кичик ёшдаги жиноятчилар озодликка чиққанидан сўнг уларга ёрдам бериш бўйича кенгроқ кўламдаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.*

Қирғизистон ҳукумати вояга етмаган жиноятчиларнинг озодликка чиққач жамиятга мослашувларига ёрдам бериши учун уларнинг ҳибсда сақланиш тизимини диққат билан ўрганиши зарур, дейишмоқда экспертлар.

Вояга етмаган ўғил болалар колониясидаги маҳбуслар базавий таълим олишмоқда. Колония қошида малакали

техник таълим олиш имконияти худди ижтимоий мослашув бўйича дастурлар каби энди пайдо бўлаяпти. Қамоқ муддатини ўтаган собиқ маҳбуслар озодликка чиққач, уларнинг тақрор жиноят содир этиб, панжара ортига тушмаслиги учун зарур чоралар кўрилмайди. Шунингдек, уларга иш топиш ва жамиятга интеграция бўлишда ҳам кам ёрдам берилади.

## ҚИРҒИЗИСТОН

Қирғизистонда 14 ёшдан то 18 ёшгача бўлган эркак жиноятчиларни ҳибсда сақлаш учун мўлжалланган фақат битта муассаса бор (Қирғизистон республикасида 14 ёшдан бошлаб жиноий жавобгарликка тортилиш кўзда тутилган). Бишкекдан 70 километр нарида жойлашган Воснесеновка қишлоғида жойлашмиш колонияда 69 та бола жазо муддатини ўтамоқда. Уларнинг кўпчилиги оғир жиноятлар содир этганлари учун қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар.

Колония тиканли симдан ясалган девор билан ўраб олинган, у ерда ўсмирлар деразаларига панжаралар ўрнатилган баракларда яшайдилар; ҳудудда мактаб ва футбол майдони бор. Бу колонияда ҳам Қирғизистоннинг бошқа ахлоқни тузатиш муассасаларида кузатилаётган муаммолар мавжуд – кўплаб бинолар иситилмайди, озиқ-овқат маҳсулотлари ва айниқса ўспиринлар учун қишқи пойабзал етишмайди.

Мамлакатда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмир қизлар учун мўлжалланган бу каби муассасалар йўқ, расмийларга кўра, бундай муассасани очиш режаси ҳам йўқ. Қиз болалар мамлакат шимолидаги Чуй вилоятининг Степное поселкасида жойлашган аёллар қамоқхонасида ёши катта маҳбуслардан алоҳида сақланадилар. Айни пайтда у ерда оғир жиноятлар содир этганлик учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган тўртта қиз сақланмоқда; улар мактаб таълими олишмайди, аммо, масалан, сартарошлик касби бўйича амалиёт ўташлари мумкин. Оғир бўлмаган жиноятлар содир этганликда айбланган ўсмир қизларга одатда шартли ёки муқобил жазо меъёри белгиланади.

14 ёшдан кичик бўлган ҳар иккала жинсга мансуб жиноятчи ўсмирлар ҳибсга олинмайдилар, улар бўйича жавобгарлик маҳаллий маъмуриятнинг ижтимоий хизматларига юкланади. Бир пайтлар бу тоифадаги ўсмирлар учун махсус мактаб фаолият юритар эди, лекин у беш йил аввал бу мактабда болаларга лозим бўлгани каби муомала қилинмаётганини иддао қилган нодавлат ташкилотлари талаби билан ёпилган.

Қонунни ҳушламайдиган болалар билан ишловчи “Эгл” жамоатчилик жамғармасининг директори Чўлпон Ҳмурқанова вояга етмаган қонунбузарлар билан олиб бориладиган иш улар қамоқда бўлган пайтидаёқ бошланиши керак, деб ҳисоблайдиганлардан биридир.

Ҳар ой Вознесеновкадаги колониядан озод бўладиган ўн нафар ўғил боланинг тўрт ёки бештаси янги жиноят содир этганидан сўнг тез орада бу ерга қайтиб келади.

Ҳмурқанова ўсмирларни озодликдаги ҳаётга тайёрлаш учун ёрдам беришда махсус дастурлар зарурлигини айтади.

“Улар озодликка чиққач, ҳаётда ўз ўринларини топиб, бундан буён қандай ҳаракат қилиш лозимлигини англашлари учун уларни бунга тайёрлаш керак”, - дейди у.

Ҳмурқанова раҳбарлик қилаётган нодавлат ташкилоти жорий йил охирида Вознесеновкадаги колония базасида очилиши кўзда тутилган ўсмирлар учун мўлжалланган реабилитация марказини ташкил этиш бўйича лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Лойиҳа Даниядаги DanChurchAid гуманитар ташкилоти кўмағида колония маъмурияти ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи кўпгина ҳуқуқ ҳимоячилари яқинда озодликка чиққан ёш қонунбузарлар билан ишлайдиган ҳамда уларга уй ва иш топишда кўмак кўрсатадиган реабилитация марказлари тармоғи мамлакатда пенитенциар тизимдан ҳоли равишда очилишига тарафдор.

Улардан бири бўлган Қирғизистон республикаси меҳнат, аҳоли бандлиги ва миграция вазирлиги қошидаги Болаларни ҳимоя қилиш департаментининг бош мутахас-

сиси Махабат Темирбек қизи Қирғизистонга вояга етмаган қонунбузарлар билан иш олиб боришда такомиллашган тизим керак, деган фикрга қўшилади.

“Қирғизистонда вояга етмаган қонунбузарни жараён субъекти, унинг жиноятини эса ўша хизматлар даволаши зарур бўлган касаллик асорати сифатида кўриб чиқадиган реабилитация технологиялари ва тарбия механизмларига эга бўлган [давлат] ижтимоий хизматларининг бўлиши жуда муҳим”, - дейди у.

У вазирлик реабилитация марказлари иши билан шуғулланишни истовчи ҳар қандай нодавлат ташкилотини ҳушнудлик билан қабул қилишини таъкидлади ва бундай нодавлат ташкилотлари бун каби фаолиятни амалга ошириш учун давлат томонидан молиялаштирилувчи шартномаларни қўлга киритишга умид қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтди.

“Мен юқорида зикр этмиш шартли жазо олган ёки колониядан чиққанлар учун ижтимоий [реабилитация] марказлари, афсуски, ҳозир йўқ”, - деди Темирбек қизи.

Сўнгги уч йил мобайнида атиги иккита нодавлат ташкилоти вояга етмаган қонунбузарлар билан иш олиб боришга молиявий кўмак олиш учун ариза топширди. Шартнома ни қўлга киритган нодавлат ташкилоти вояга етмаган собиқ маҳбусларга ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича юридик маслаҳатлар бериш ҳамда уларнинг иш ва уй топишларида ёрдам кўрсатган.

“Аммо бунинг ўзи ўсмирнинг нормал ҳаётга тўлақонли қайтиши учун етарли эмас, - дейди Темирбек қизи. – Бунда фақат давлат ёки фақат нодавлат ташкилотининг иши билан чекланиб бўлмайди. Бу масалага мувофиқлаштирилган ҳолда ёндошиш керак ва бунда ўз мамлакатда болаларни ҳимоя қилиш муваффақият билан умумий сиёсат таркибига киритилган халқаро ташкилотларни жалб қилиш муҳим”.

Вояга етмаган қонунбузарлар билан ишловчи экспортлар таълим олиш учун кўрсатилган ёрдам реабилитация жараёнининг асосий жиҳати экани ҳақидаги фикрга қўшиладилар.

Вознесеновкадаги колонияда ўз ишида стандарт давлат ўқув плани ва қўшимча ўқув дастурларидан фойдаланган ҳолда ўсмирларнинг таълим олишидаги сезиларли камчиликларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатадиган ўз мактаби бор.

“Бизнинг колонияга келиб тушган болалар орасида ҳаттоки ҳарф танимайдиганлари ҳам бор, - дейди вояга етмаган ўғил болалар колониясининг раҳбари Қураман Назарбеков. – Озодликда улар бошқа нарсалар билан шуғулланганлар”.

Унинг таъкидлашича, баъзи ҳолларда ёш йигитлар озодликка чиққандан сўнг Олий ўқув юртларига кириш учун етарлича билим оладилар. “Улар оила курдилар, ишлаяптилар, фарзанд ўстираяптилар. Биз бундай йигитларимиз билан фахрланамиз”, - деди Назарбеков.

Колония қошидаги мактаб директори Валентина Герашенко, аксар ўқувчилар колонияга келиб тушгач, 4-6 йилга мактаб дастуридан ортда қолишлари ҳақида айтиб берди. “Улар ўқишга бўлган қизиқишларини, мактаб билан алоқаларини моҳиятан йўқотганлар, - дейди у. – Боз устига, уларнинг колонияда бўлиш муддатлари ҳам рол ўйнайди. Баъзилари 18 ёшга тўлгач, уларни катталар колониясига ўтказишади, баъзилари эса муддатидан аввал озод қилинади. Озодликда эса уларнинг тўлақонли таълим олиш учун имконияти бўлмайди”.

Колонияда бўлиб қайтган IWPR контрибьюторининг айтишича, у ерда таълим олишга бўлган шароит яхши эмас - ўқув парталари эски ва курсилар ёш болалар учун

## ҚИРҒИЗИСТОН

мўлжалланган, минимал таъмир эса малакасиз кишилар томонидан амалга оширилган. Ўқитувчилар эса китоб, жўғрофия хариталари ва ёзув қуролларининг етишмаслигидан арз қиладилар.

Дарслар фақат рус тилида олиб борилади, чунки қирғиз тилидаги китоблар мутлақо етарли эмас. Бу қишлоқ жойлардаги ёки Тожикистон ва Ўзбекистон каби қўшни давлатлардан келган ўсмирлар учун муаммодир.

Герашенко ва 10 кишидан иборат қолган ўқитувчилар мавжуд барча қийинчиликларга қарамай, қўлдан келганича ўз ишларини бажараяптилар.

“Бизлар учун уларнинг ҳаммаси ёш болалардир. Уларнинг ҳар бирида қобилият бор, баъзилари эса ўта иқтидорли. Фақат бу ерга келиб қолгач, уларнинг кўпи ўз қобилиятларини намоён қила олдилар, - дейди у. – Бизнинг вазифамиз... ҳаттоки йўлида адашган ва қонунбузарлик содир этган ҳар бир ўсмирга келажакда унинг ҳаёти яхши бўлишини кўрсатиш”.

У ўқитувчиларда таълим воситалари кўпроқ бўлса, дарслар ҳам қизиқарлироқ бўлиши мумкинлигини кўшимча қилади. Қайд этиш жоизки, туман таълим маркази ва яқин атрофдаги қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг ғайрати туфайли колония мактабида бир нечта китоб ва озгина тарқатма материаллари бор.

Колонияда қамоқ жазосини ўтаётган йигитлардан бирининг айтишича, мактаб унга озодликка чиққач, компьютер бўйича матухассис бўлишга умид берди.

“Ўқитувчилар биз кўп нарсани билмаслигимизни тушунишади, ўқимай қолдириб кетган фанларимизни ўзлаштиришимизда ёрдам беришади, - деди у. – Бу ерда мен ўзимда қобилият борлигини тушуниб етдим, ҳатто яхши ўқишим мумкинлигини билиб, бундан фахрландим. Бизнинг мактаб эркинликдаги мактабдан ёмон эмас, лекин биз мак-

табимизда янги китоблар, эҳтимол, компьютер бўлишини истардик”.

Ҳозир 20 ёшда бўлган собиқ маҳбус Кириллнинг омади чопди, деса бўлади. Вознесеновкадаги колонияда тўрт йиллик жазо муддатини ўтаб, икки йил аввал озодликка чиққан Кирилл Бишкекдаги касб-ҳунар лицейларидан бирида дурадгорлик бўйича ўз малакасини оширди. Сўнг у мебел ишлаб чиқарадиган фирмалардан бирида даромадли иш топди. Маълум бўлишича, фирма директори уни судланганига қарамай, ишга қабул қилган.

“Мен ўтмишимни унутишга ҳаракат қиламан. Бугун меннинг ишим, билимим бор. Ўз уйимни қуришни орзу қиламан”, - дейди у.

Кирилл тарихи Вознесеновкадаги колонияда жазо муддатини ўтаган ёш йигитлар учун одатий ҳолдир. У ўғай отасининг дўппослашларидан бешиб, 12 ёшида уйдан қочиб кетган ва баъзи пайтлари милицияга тушиб, кўчада яшаб юрган.

“Қорнимни тўйғазиш учун ўғирлик билан шуғулланардим ва ўғирлаганларимни сотардим, - дея эслайди у. – Қўлга тушгунимча, доимо омадим чошиб келди”.

Колонияда у бир йил давомида ўқимай қолдириб кетган фанларини қайта ўзлаштиришига тўғри келди. “Ўқитувчиларимга раҳмат, - дейди у. – Улар мен учун кўп нарса қилдилар. Агар аввалги мактабимдаги ўқитувчиларим ана шундай эътиборли бўлганларида, балки мен колонияга тушиб қолмасдим”.

Колониянинг кўп ходимлари ва ҳозир жазо муддатини ўтаётган маҳбуслар каби Кирилл ҳам у ерда турли касб-ҳунарларга ўргатилишини истайди. У колонияда бўлган пайтда маҳбусларга ҳунар ўргатишмасди. Кириллнинг дурадгорликка қизиқиши ортишига, унинг колония қошидаги чоғроқ кутубхонада бир китобчани ўқиб чиққани сабаб бўлган. €

Елена Воронина, IWPR тренингида иштирок этган бишкеклик ҳуқуқ ҳимоячиси.

## ШАРҲ. ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ФОЖЕАЛИ ВОҚЕАЛАР БҲЙИЧА СУД ЖАРАЁНЛАРИ АДОЛАТЛИ БҲЛИШИ ЛОЗИМ

*Суд маҳкамалари бир ёқламалик ва қўрқитиш асосида бўлиб ўтаяпти.*

Айни пайтда Қирғизистонда жорий йилнинг биринчи ярмида бутун мамлакатни қамраб олган тартибсизликлар келтириб чиқарган иккита алоҳида суд суриштирувлари бўлиб ўтаяпти. Гарчи бу икки суд маҳкамаси сиёсийлаштирилгани ҳамда судлов адолатли ва холис тарзда ўтмаётгани бўйича жиддий хавотирлар бўлса-да, ушбу икки суриштирув мутлақ очиқ олиб борилаяпти.

Ноябрь ойи ўрталаридан бошлаб мамлакат пойтахти Бишкек шаҳрида собиқ президент Қурманбек Бакиев маъмуриятининг аъзолари устидан суд маҳкамалари очиқ-ойдин олиб борилаяпти. Улар апрель ойида содир бўлган аксилҳукумат норозилик намойишлари пайтида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига намойишчиларга қарата ўқ очишга буйруқ берганликда айбланмоқдалар.



## ҚИРҒИЗИСТОН



Ўшанда собиқ расмийларнинг бу ҳаракати камида 70 кишининг ўлимига сабаб бўлганди. Тартибсизликлар Бакиев ўз лавозими ва мамлакатни тарк этганидан сўнг тўхтаганди.

Бундан ташқари, Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод шаҳарлари ва улар чеккасида содир бўлган этник тўқнашувлар билан боғлиқ 152 та жиноий иш кўриб чиқишга ҳозирланди. Мазкур воқеалар чоғида, расмий маълумотларга кўра, 400 дан ошиқ киши ҳалок бўлган.

Ниҳоят сентябрь ойидан бошлаб беш нафар фуқаро Бакиев ўз лавозимини тарк этганидан сўнг оз вақт ўтгач, 2010 йилнинг апрель ойида Маевка қишлоғидаги уйлар ва бошқа шахсий мулкни эгаллаб олиш айблови остида маҳкаммага тортилди. Бишкек яқинида жойлашган ва месхети турклари, рус ва қирғизлар истиқомат қиладиган Маевка қишлоғидаги ерларни эгаллаб олиш пайтида 5 киши ҳалок бўлган. Бу жиноий иш бўйича ҳукм декабрь ойи ўрталарида чиқарилиши кутилмоқда.

Бу суд маҳкамаларининг барчаси жорий йил Қирғизистонни ларзага келтирган асосий воқеалар ортидан ўтказилаётгани билан муҳимдир. Аммо процессуал ҳаракатларнинг ўзи ва уларнинг ўтказилиш жойи, вақти ҳамда оммавий ахборот воситаларида қай тарзда ёритилаётгани мамлакат ҳукуматининг уларни ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётгани ҳақида хавотирларга сабаб бўлди.

Суд маҳкамаларининг ижобий тарафи эса уларнинг очиқ-ойдин ва жамоатчилик иштирокида ўтаётганидир. Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеалар юзасидан суд текширувлари ўша ернинг ўзида, яъни жанубда, Бакиев маъмурияти аъзолари устидан суд маҳкамаси эса пойтахтдаги марказий Спорт саройида бўлиб ўтмоқда. Чунки бу маҳкама иштирокчиларини сиғдириш учун энг қулай бўлган жойдир. Аммо жорий йилнинг 30 ноябрь куни суд маҳкамаси бўлиб ўтаётган жойда портлаш юз бергани боис маҳкама ўтказиладиган жой ўзгартирилиши ҳам мумкин.

(Бу ҳақда “Қирғизистон пойтахтида юз берган портлаш туфайли тарангликнинг кучайиши” дея номланган мақолада ўқинг).

Бундай шаффофлик ва очиқликни Қирғизистон 1991 йили мустақилликка эришганидан сўнг мамлакат қўлга киритган катта ютуқ далолати ўлароқ олқишлаш лозим. Бу гал 1990 йили Ўшда содир бўлган этник можаро оқибатларидан яққол фарқ кўзга ташланди, чунки ўша пайтда Ўшдаги тўқнашув бўйича ишларни Олий суд ёпиқ тартибда кўриб чиққанди.

Шундай қилиб, бир томондан жамоатчилик учун қизиқ бўлган сўроқларнинг очиқ ўтказилишини сохта сиёсий суд жараёнларидан бош тортиш уриниши ўлароқ баҳолаш мумкин.

Шунга қарамай, ҳақиқат аксинча бўлиши мумкинлиги аломатлари ҳам бор – балки расмийлар янги раҳбариятга бўлган умидлар оқланмаганидан таассуф ва нобарқарорлик сабабли юзага келган халқ норозилигини муайян ўзанга солиб юбориш орқали уларнинг диққатини чалғитишни истаётган бўлишлари мумкин.

Бу таассурот суд маҳкамаларининг тўхтатилиши ва суд тингловлари юзига парда тортган кўрқитувлардан сўнг кучайди. Ушбу суд маҳкамалари пайтида суд залида иштирок этаётган одамлар ёки 7 апрель куни ҳалок бўлган фуқаролар қариндошларининг тажовузкорона аралашуви кузатилмоқда. Бу аралашув судланувчи ва адвокатларга таҳдид, айрим пайтларда миллатчилик, ўзбошимча судлов ёки халқ номидан судланувчилар қаттиқ жазоланишини талаб қилиш шаклида намоён бўлмоқда. Судьялар ва хавфсизликни таъминлаш учун жалб қилинмиш милиция ходимлари томонидан бундай аралашувнинг ҳар доим ҳам олди олинмапти.

Гарчи бу каби кўнгилсиз воқеалар нақадар ҳиссий жунбуш қабатида ўтиши тушунарли бўлса-да, жамоатчиликнинг судга қатнаша олиш имкониятидан фойдаланиши ва фаол

## ҚИРҒИЗИСТОН

беқарорлик ўртасида чегара мавжуд. Расмийлар эса суд маҳкамалари чоғида тартиб ва хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқига эгалар.

Июнь воқеаларининг этник жиҳати борасида сукут сақланаётгани хавотир уйғотмоқда.

Қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган Хьюман Райтс Вотч (Human Rights Watch) ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти июнь воқеаларига алоқадорликда айбланаётганларнинг аксари этник ўзбеклар эканини қайд этади. Аини пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва милиция вакилларининг кўпчилиги қирғизлардир.

Хьюман Райтс Вотчнинг айбловчилар август ойидаги баёнотидан иқтибос келтиришича, қўлга олинган 243 кишининг 29 нафари қирғиз бўлиб, қолган 200 нафардан зиёдроғи ўзбеклардир. Ноябрь ойида қилган чиқишида мамлакат президенти Роза Ўтунбаева ўша пайтда Ўш вилоятида 100 нафар ўзбек ва 9 нафар қирғиз, Жалолобод вилоятида эса 30 нафар ўзбек ва 22 нафар қирғиз миллатига мансуб кишилар судланганини айтди.

Шунга қарамай, расмийлар текширув ва суд таъқиби пайтида этник тарафкашлик йўқлигини таъкидлашда давом этмоқдалар.

“Қирғизистонда мамлакат жанубида содир бўлган воқеалар юзасидан ўтаётган суд маҳкамаларида ўзбек миллатига мансуб кишилар камситилаётгани йўқ”, - деди Ўтунбаева.

Суд суриштирувлари ва ҳукм чиқарилиши лозим бўлган тартибда ўтказилмагани жиддий хавотир уйғотмоқда. Буларни таъминлай олмаслик келажақда муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирга қадар ахборот ва сиёсат оламида бу мавзуда гапирмасликка ҳаракат қилишмаяпти.

Апрель ва июнь ойларида содир бўлган тартибсизликларда минглаб кишилар иштирок этдилар, аммо суд олдида фақат бир неча ўн кишигина жавоб берди. Улар шунчаки муҳтамал бевосита иштирокчи бўлиб ҳисобланадилар. Уларни ҳаракатларини мувофиқлаштирган ва гижгизлаган кишилар эса сувдан қуруқ чиқиб кетдилар.

Бу тарихий судловларнинг лозим бўлгани каби ўтказилмаслиги Қирғизистонда сиёсий элита ва давлат органлари ростмана адолатли судловни таъминлаш ва қонунбузарларни жавобгарликка тортишга лаёқатли эмас, дея таҳмин қилишга асос беради.

Бу ишларнинг мураккаброқ жиҳатларини тутиб туриш орқали расмийлар мамлакат жанубида қонун ва тартибнинг тикланиши ҳамда миллатчилик кайфияти муаммоларининг ҳал қилиниши каби қатъий ҳаракатлардан бўйин товлашга уринаётган бўлишлари мумкин.

Аини пайтда бу судларнинг ўтказилиши Бакиевнинг собиқ маъмурияти аъзолари билан боғлиқ баъзи эътибор-

ли гуруҳлар ўртасида норозиликнинг кучайишига олиб келди.

Бишкекда бўлиб ўтаётган маҳкамаларда айбланувчиларнинг кўпчилиги бу ҳозирда тарқатиб юборилган Президент хавфсизлик хизмати ва Миллий хавфсизлик хизмати таркибига кирган “Альфа” сара аскарлар бўлинмаси вакиллари бўлиб ҳисобланади.

Аввал Бакиев режими билан боғлиқ бўлган жанублик сиёсатчиларнинг айримлари ўтказилаётган маҳкама жараёнларидан норозилар.

Бу каби қудратли хизмат вакилларини судлашда доим хавф-хатар мавжуд бўлади, лекин бунда адолатли судловни амалга оширмаслик ҳам ҳуқуқ-тартибот хизматларининг айрим вакилларида ётсираш кайфиятини пайдо қилади.



Суд маҳкамалари бир ёқламалик ва қўрқитиш асосида бўлиб ўтаяпти.

И. Коваленко фотосурати.

Умуман олганда, Қирғизистондаги айрим кишилар мазкур маҳкамаларни адолатли судловни амалга оширишга алоқаси бўлмаган ҳўжақўрсин суд сифатида баҳолаётгани ҳайратланарли эмас.

Бу жиддий хавф туғдиради – инсон ҳуқуқлари ва адолатли судловни таъминлаш меъёрларига нисбатан ҳурмат пасаяди, жамоатчиликнинг милиция ва судларга бўлган ишончи камаяди, популистик сиёсат аксинча рағбатлантирилади, бу эса кейинги этник зиддиятлар ва ўзбошимча судловларга сабаб бўлади.

Агар мақсад инсон ҳуқуқлари, суд мустақиллиги ва адолатли судловнинг қонунга мувофиқ равишда амалга оширилишини дастаклаш бўлса, бу каби тарихий маҳкама жараёнларини ҳозир ўтказилаётгани сингари олиб бориш, жамоатчилик нуқтаи назаридан, етарли эмас. Бунда қонун устиворлиги, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланиши, мустақил судлар ва уларга нисбатан адолатли суд қарорларига асосланган ҳурматнинг бўлиши мутлақо зарур.

Бунингсиз катта умидлар боғланаётган Қирғизистоннинг янги Конституцияси ва парламент республикаси жиддий ижобий ўзгаришлар келтирмайди. ●

Павел Дятленко, Қирғизистондаги “Полис Азия” маркази эксперти.

## ТОЖИКИСТОН

# ТОЖИКИСТОНДАГИ «ТАШЛАБ КЕТИЛГАН ХОТИНЛАР» НИНГ ҲАВАС ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН АҲВОЛИ



*Меҳнат муҳожирлари уйлари билан алоқани узиб, яқинларига пул жўнатмай қўйган пайтда, уларнинг оилалари тирикчилик ўтказишлари қийин бўлиб қолади.*

Оммавий меҳнат миграцияси туфайли кўпчилик тожикistonликлар дурустгина молиявий ёрдам олиб турардилар, аммо боқувчиси пул юбормай қўйган кишилар мамлакатдаги қашшоқ оилалар қаторида бўлиб қолдилар.

Фуқаролик жамияти фаолларининг фикрича, эрлари ташлаб кетган аёллар давлатдан ёрдам олишлари, тирикчилик учун манба топишлари ва фарзандларини боқиш учун пул тўлашга мажбур бўлган эрларини кидиришлари учун чоралар кўрмоқ керак.

25 ноябрдан то 6 декабрга қадар мамлакатнинг турли жойларида ана шундай оилалар дуч келаётган муаммоларга бағишланмиш қатор дискуссиялар бўлиб ўтди. Муҳокамалар Халқаро миграция ташкилоти, БМТнинг аёллар жамғармаси (UNIFEM), “Очиқ жамият” институти – Тожикистондаги кўмак жамғармаси ва IWPR ҳамкорлигида ташкил этилди. Ўтказилган баҳс-мунозаралар якуни бўйича Тожикистондаги муҳожирлар оилаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тавсиялар тайёрланади.

36 ёшли Фарзона Юсуповани хорижга йўл олган эри ташлаб кетди. Улар бир-бирлари билан бахтли ҳаёт кечириб, уч фарзандни вояга етказишаётган эди. Аммо оиладаги пулсизлик эрнинг Россияга тирикчилик учун кетишига сабаб бўлди.

“Икки йилгача ундан ҳеч қандай хабар бўлмади, кейин эримнинг Россияда уйланиб кетгани ҳақида турли мишмишлар тарқала бошлади, - дейди Юсупова. – Вақт ўтгач, эримнинг қариндошлари бизни боқишдан чарчаб, уйдан ҳайдаб чиқардилар. Ҳозир мени уч фарзандим билан ким

қаерга олади? Мен ётоқхонадан жой топдим, фарзандларим билан еб-ичишимизга пул топиш учун бир хонадонда уй хизматкори бўлиб ишляпман”.

Буларни бошдан кечирган Юсупова энди ёлғиз она сифатида вояга етган фарзандларига етарлича эътибор қарата олмаслигидан хавотирда.

Иш қидираётган муҳожирлар учун энг жозиб мамлакат ҳисобланмиш Россияда иқтисодий инқироз ишчи кучига бўлган талабни қисқартирди. Шунга қарамай, расмий маълумотларга кўра, ҳозирги кунда хорижда ишлаётган Тожикистон фуқаролари сони қарийб бир миллион кишини ташкил этади. Булар орасида ишлаш учун зарур барча ҳужжатлари бўлган Тожикистон фуқаролари билан бир қаторда нолегал муҳожирлар ҳам бор.

“Миграция ва тараққиёт” нодавлат ташкилотининг раҳбари ва муҳожирларга ёрдам кўрсатиш ресурс марказининг бошлиғи Музаффар Зариповга кўра, 2009 йили Россияга 930 минг киши кетган. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига мувофиқ, бу рақам 800 мингдан сал камроқ.

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра, муҳожирларнинг 95 фоизи эркаклардир, уларнинг деярли 80 фоизини уйланганлар ташкил қилади.

Меҳнат муҳожирлари оилаларига юбораётган пуллар мамлакатда иқтисодий инқироз ҳукмронлик қилган йиллари кўп оилаларнинг қашшоқлашиб кетишидан сақлаган. Бутунжаҳон банки келтирган маълумотларга кўра, ўтган йил давомида юборилган пул жўнатмалари мамлакат ички ялпи маҳсулотининг қарийб 60 фоизини ташкил қилди.

## ТОЖИКИСТОН

Тадқиқотлар аксар меҳнат муҳожирлари ҳали ҳам оилаларига пул жўнатаётганларини кўрсатмоқда. Бу маблағ аввалгидек кўп эмас, чунки биринчи навбатда улар турар-жой ва бошқа харажатлар учун пул сарфлаётдилар. Халқаро миграция ташкилотининг 2009 йил апрель ойида чоп қилган тадқиқотида айтилишича, меҳнат муҳожирлари йил давомида юборган ўртача маблағ ойига 400 долларни ташкил қилган.

Жорий йилнинг август ойида чоп қилинган ҳисоботда эса Халқаро миграция ташкилотининг тадқиқотчиси асосий боқувчиси бошқа мамлакатда бўлган қарийб 37% оилалар “қашшоқлик ёки ўта қашшоқлик”да яшашини эътироф этди, чунки улар йилига 500 доллардан кам, баъзи ҳолларда эса умуман пул олмайдилар. “Йилига 500 доллардан кўпроқ, аммо 1000 доллардан камроқ пул оладиган 25% оилалар ҳам хавф остида қолишлари мумкин”, - дейилади ҳисоботда.

Оилаларнинг кам қисми учун боқувчисининг эмиграцияси одатий ҳолга айланмоқда ва эртами-кечми ундан пул келиши тўхтапти. Халқаро миграция ташкилотининг ҳисоботида хорижда ишлаётган эрларнинг қарийб учдан бир қисми Тожикистондаги хотинларини ташлаб, ўзлари ишлаётган мамлакатларда қолиб кетаётгани ҳақида маълумотлар келтирилади.

“Ташлаб кетилган хотинлар” эрларидан кам миқдорда пул олиб турадиган ёки умуман пул олмайдиганлар билан бирга хатар гуруҳини ташкил қилади, дейилади ҳисоботда. “Бу аёллар ўта қашшоқликда яшайдилар; улар ҳукумат, халқаро ташкилотлар ва маҳаллий жамоатчиликдан ёрдам олмайдилар; улар очлик, жиноят ва ҳақоратлардан ҳимояланмагани учун жисмоний ва руҳий аҳволи барқарор эмас”, - дейилади ҳисоботда.

“Перспектива Плюс” ташкилотининг раҳбари Ойниҳол Бобоназарова боқувчисининг ёрдамисиз қолган оилалар дуч келадиган баъзи муаммолар ҳақида айтиб берди.

“Биз эрлари кетиб қолган, уйланиб кетган ва оиласига пул юбормай қўйгани учун ўз-ўзини ёқишга қўл урган аёлларнинг худкушлик муаммоси билан кўп ишлаганмиз, - дейди у. – Иккинчиси – бу болаларнинг тарбиясиз қолиб кетаётгани, чунки она бир бурда нонга пул топиш учун кун бўйи бозорда савдо қилишга мажбур”.

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва гендер тенглиги бўйича нодавлат ташкилотлари ассоциациясининг ижрочи директори Алла Қувватова бундай вазиятда оилалар ҳукуматдан ёрдам сўрашлари мумкинлигини айтди.

“Агар оилада боқувчи анчадан бери йўқ бўлса, ижтимоий кўмак бор, давлат ёрдам бериши мумкин. Яъни улар расмийларга учраб, оила боқувчиси бошқа мамлакатга кетгани ва молиявий жиҳатдан ёрдам бермаётганини айтишлари мумкин”, - дея тушунтиради у.

Қувватованинг сўзларига кўра, етарлича маълумотга эга бўлмаганлик бу заифларнинг асосий муаммоси бўлиб ҳисобланади. “Уларни пул топишга ўргатиш керак. Уларга энг оддий малака керак”, - дейди у.

Қонун бўйича эрлар ҳатто ажрашгандан кейин ҳам фарзандларини таъминлашлари керак. Аммо улар бошқа мамлакатда бўлганлари туфайли уларни бунга мажбурлаш жуда қийин. Кўпинча эркаклар Тожикистондаги хотинлари билан ажрашмайдилар, натижада аёллар улардан қонуний йўл орқали алимент ундиришлари осон кечмайди. Баъзи ҳолларда аёллар никоҳларини давлат органларида қайддан ўтказмай, масжидда никоҳ ўқитиш билан кифояланганлар. Шу ваздан улар фарзандларининг

отаси айнан ўша киши эканлигини исботлашлари ҳам лозим бўлади.

Ҳар ҳолда, қишлоқ жойларда яшайдиган бундай аёллар одатда йирик шаҳарларга бориб, ўз муаммоларини давлат органларига етказиш ёки нодавлат ташкилотлари мутахассисларидан маслаҳат олишни билмайдилар.

Юрист аёллар лигасининг “Адолатли судлов имконияти ва суд ислоҳотлари” лойиҳаси координатори Нели Сафарова бу лойиҳада аёллар турли шаклдаги ёрдам олишлари мумкинлигини айтади.

“Биз уларга маслаҳат берамиз ва суд ҳимоясига муҳтож бўлган аёлларнинг судга мурожаат қилиши учун ариза ёзиб берамиз, - дейди у. – Эрни бедарак йўқолган ёки ўлган, дея тан олиш мумкин”.

Аёл фақат диний никоҳдан ўтиб, қонуний хотин ҳисобланмаса, Сафарованинг ташкилоти оталикни қон гуруҳи бўйича аниқлаш илтимоси билан судга мурожаат қилади.



Сафарованинг сўзларига кўра, ҳуқуқшунослар аёлларга алимент ундириш учун судга ариза бериш ёки таркибига Россия ҳам, Тожикистон ҳам кирган МДҲ давлатлари ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича шартномага мувофиқ эрни қидиришга ёрдам берадилар.

Сафарова алимент тўловларини кучайтириш, барча никоҳларни давлат органларида қайддан ўтказиш ва меҳнат муҳожирларининг чет элга чиқишини фақат қонуний йўл билан амалга ошириш каби жабҳаларда қонунчиликка ўзгартишлар киритиш зарурлигини қайд этди.

Бугунги кунда оилаларига доимий равишда пул жўнатмай қўйган меҳнат муҳожирларининг турмуш қурганлари ёки алимент тўламай келаётганларини яширишлари қийин эмас.

Душанбедаги стратегик тадқиқотлар маркази эксперти Фироз Саидов совет даврида бўлгани каби оилавий мавқе ва фарзандлар борлиги ҳақидаги маълумот

ТОЖИКИСТОН

фуқаронинг паспортига киритилиши каби амалиёт қайта жорий этилиши тарафдори эканини айтади.

Айни пайтда аҳвол шундайки, уйланмагани ҳақида қалбаки маълумотнома сотиб олган эркак Тожикистонда қонуний хотини бўла туриб, Россия фуқароси бўлган аёлга бемалол уйланиши мумкин.

Саидов Россия ва Тожикистон ўртасида бир мамлакатда никоҳнинг расмий органда қайддан ўтказилгани ҳақидаги маълумотни иккинчи мамлакатдаги керакли хизматга мажбурий равишда етказиб туришни кўзда тутувчи шартномани имзолаш керак, деб ҳисоблайди.

Одатда тожикистонлик меҳнат муҳожири бошқа мамлакатда қолиб, у ерда уйланиб кетган тақдирда ундан пул келмай қўяди.

Бобоназарованинг айтишича, баъзи ҳолларда тожик эркаклари уй-жойга эга бўлиб қолиш, Россия фуқаролигини

олиш жараёнини енгиллатиш ёки милиция текширувларидан сақланиш учун уйланадилар. У, айрим мулоҳазаларга кўра, Россияда ҳар йили 12 минг тожик эркаги уйланишини айтади. Шунга қарамай, бу бошқа мамлакатларда иш-лаётган, мамлакатда муайян муддат яшаб турган ва уйига пул юборишда давом этаётган тўртдан уч қисм эркакларнинг арзимаган қисмидир.

Саидовнинг таъкидлашича, меҳнат муҳожиралининг 70 фоизи баҳорда тирикчилик учун бошқа мамлакатларга кетиб, совуқ тушиши билан уйларига қайтадилар. “Улар мавсумий меҳнат муҳожиралидир, улар кетиб, сўнг яна хотинлари олдига қайтиб келадилар”, - деди у.

Афтидан, боқувчиси ташлаб кетган оилалар муаммоси бундан буён ҳам давом этади, чунки ҳозирча меҳнат миграциясининг кети қўринмаяпти. ●

Меҳрангез Турсунзода, IWPR тренингларида ўтган тожикистонлик журналист

# ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТИ МАҲАЛЛИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЗИДДИЯТНИНГ ЁРИТИЛИШИДАН НОРОЗИ



“Фараж” газетасининг ёпилмасидан аввалги сони.

«Фаргона.Ру» фотосурати.

*Мамлакатда даҳанаки жанг кетмоқда – расмийлар ва журналистлар бир-бирларини адолатсизликда айбламоқдалар.*

Тожикистон ҳукумати журналистларни мамлакат шарқида жангарилар билан яқинда содир бўлган тўқнашувни ёмон ва ноаниқ ёритганликда айблаб, оммавий ахборот воситалари билан умуман тескари бўлиб олди. Оммавий ахборот воситалари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар матбуот ва Интернет сайтларига қўйилган тўсиқлар юзасидан хавотир билдирдилар. Мухбирлар эса содир бўлган ҳодиса тафсилотлари расмийлар томонидан

мутлақо сир сақлангани боис далилларни текшира олманларини айтмоқдалар.

Муносабатлар анча ёмонлашди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари воқеа бирёқлама ёритилгани тўғрисидаги исталган тахминни тан олишдан бош тортдилар. Расмийлар эса матбуот ва интернет манбаларига чеклов қўйиш орқали бу вазиятни янада мураккаблаштирдилар.

## ТОЖИКИСТОН

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг оммавий ахборот воситалари ишлари бўйича вакили Дуня Миятович 18 октябрь куни берган баёнотида газеталарнинг ёпилиши ва янгилик веб-сайтларига тўсиқ қўйилиши “оммавий ахборот воситалари эркинлиги билан боғлиқ вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани” натижаси эканини очиқлади.

Тоҷик расмийларига оммавий ахборот воситалари 19 сентябрь куни Рашт водийсида 25 нафар аскар ўлимига сабаб бўлган ҳукумат қўшинлари ва қуролланган жангарилар ўртасидаги тўқнашувни қай тарзда ёритганлари ёкмади. Хужум қилганлар отряди 1992-97 йиллари Тоҷикистонда бўлиб ўтган фуқаролар уруши пайтида танилган дала кўмондонлари бошқарганлар, деб ҳисобланмоқда. Тахминлар бўйича айнан улар қўшни Афғонистондан келган жангариларга ёрдам кўрсатганлар.

Мамлакат шарқида содир бўлган воқеалар ёритилиши бўйича илк танқид 25 сентябрь куни очиқланди. Ушанда Тоҷикистон давлат телеканали Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати шахсий ахборот агентликларини ноҳолисликда айблагани тўғрисида хабар қилди. Унда Мудофаа вазирлиги ҳалок бўлган аскарлар оилаларидан узр сўраши, мудофаа вазири эса истеъфога кетиши кераклиги тўғрисида “Фараж” ҳафтаномасида чоп қилинган мақола алоҳида ажралиб турди.

17 та нашр ва медиа ташкилот вазирлик баёнотига жавобан ўз баёнотини очиқлади. Улар ноҳолислик тўғрисидаги айбловларни инкор қилдилар ва воқеа-ҳодисаларни ёритишга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, куч ишлатар тизим ходимларини уларни таъқиб қилаётганликда айбладилар.

Кейинги қадамни мудофаа вазири Шерали Хайруллоев қўйди. 4 октябрь куни “Ховар” ахборот агентлиги унинг жуда кескин баёнотини очиқлади.

Баъзи нашрлардаги Хайруллоев “шодлик оҳанглари” дея ҳисобламыш жиҳатлар унинг ғазабини келтирган. Хайруллоев бунинг ҳақиқий матбуот эркинлиги эмаслигини айтди.

“Тоҷикистондаги мустақил нашрлар ёлланма террорчиларнинг Мудофаа вазирлиги колоннасига аёвсиз ҳужуми тўғрисида ёзган аксар мақолалари ўша шафқатсиз қотилларнинг шармандали ҳаракатларини қўллашга ўхшаб қолаяпти. Наҳотки бизнинг ҳурматли журналистлар террорчилар ишини ҳаспўшлаш терроризмга кўмаклашиш экани ва террорчиларни қўллаб-қувватлаш оғир жиноят экани тўғрисида ўйламасалар?”, - деди у.

“Баъзиларини ҳисобга олмаганда аксар нашрлар чоп қилган мақолаларда қонхўр террорчиларнинг манфур ҳаракатини қоралаш аломати сезилмайди. Айрим нашрлар бундан ҳоли, аммо улар бармоқ билан санаб ўтадиган даражада кам”, - дея қўшимча қилди у.

Шунингдек, вазир муҳолифатдаги сиёсатчилар асосий айбни қуролланган жангариларга эмас, балки ҳукуматга қўйганлари акс этмиш сиёсий контекстга эътибор қаратиб ўтди. У муҳолифатнинг можарони музокара орқали ҳал этиш тўғрисидаги қақриқларини рад қилди.

“Шунақа пайтда улар мулоқот ва музокара талаб қилмоқдалар. Шу ўринда савол пайдо бўлади: мулоқот ким билан олиб борилиши керак? Террорчи ва қотиллар биланми ёки сизлар – сиёсий партия раҳбарлари биланми?” – деди у.

Вазият таранглашгани сари учта газета “Пайкон”, “Истиқлол” ва “Фараж” нашрлари ўзларининг навбатдаги сонини босмаҳонага беролмасликларини сезиб қолдилар. Бундан ташқари, [avesta.tj](http://avesta.tj), [Tjknews.com](http://Tjknews.com), [ferghana.ru](http://ferghana.ru) ва [centrasia.ru](http://centrasia.ru) каби қатор маҳаллий ва хорижий веб-сайтларига тўсиқ қўйилди.

Юқорида номлари зикр этилмиш газеталар чоп қилиб келинган “Оила-принт” босмаҳонаси директори Сиёвуш Ҳамдамов газеталар чоп этилиши маън қилинишининг сиёсатга мутлақо алоқаси йўқлигини айтди. Гап шундаки, “Истиқлол” ва “Пайкон” босмаҳонага катта миқдорда пул қарз бўлиб қолган. “Фараж” эса қоғоз нархининг ошиб кетгани боис босмаҳона билан алоқани узган.

Тоҷикистондаги Мустақил оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раҳбари Нуриддин Қаршибоев муаммо аслида газеталарнинг босмаҳона билан тузган шартномасида эмаслигини айтади. “Бу ерда бир расмийнинг телефон орқали газетани чоп қилмаслик тўғрисидаги буйруғи билан боғлиқ тизим ишга тушгани очиқ кўриниб турибди”, - деди у.

“Фараж” газетасининг ёпилмасидан аввалги сони “Фаргона.Ру” фотосурати.

Интернет провайдерлар ассоциациясининг раҳбари Парвина Ибодова ассоциация аъзолари Алоқа вазирлигидан маълум бир веб-сайтларга тўсиқ қўйиш тўғрисида буйруқ олганларини айтди. Унинг сўзларига кўра, “Азия Плюс” ахборот агентлиги вазирликка аниқлик киритиш илтимоси билан мурожаат қилган, аммо ҳозирча уларнинг фақат буйруқни бажаришларига тўғри келаяпти.

Бундай ҳаракатларни қўрқитиш ўлароқ қабул қилган оммавий ахборот воситалари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар кучларини бирлаштирдилар.

14 октябрь куни Тоҷикистондаги Мустақил оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мудофаа вазирига хат йўллаб, унингча терроризмни қўллаб-қувватлашда айбланаётган медиа ташкилотлар ва журналистлар исмларини келтиришни сўради. Бир ҳафта ўтгач эса хусусий нашрлар гуруҳи журналистларнинг профессионал ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича янги кўмита ташкил қилди. Унинг мақсади оммавий ахборот воситаларига ўтказилаётган босимни бас қилиниши, босмаҳоналар ва онлайн захиралар хизматидан чекловларсиз фойдаланиш имкониятининг тикланиши эришиш ҳамда мавжуд можаро юзага келишидан аввал бўлган оммавий ахборот воситалари эркинлиги даражасига қайтишдир.

Кўмита вакилларининг маълум қилишича, уларнинг веб-сайти бошқа жойда ўз мақолаларини чоп қилиш имконидан маҳрум бўлган медиа ташкилотлар ва журналистлар учун платформа вазифасини ўтайди.

Ҳозир ҳукумат ва оммавий ахборот воситалари аввалда ҳеч қузатилмаган даражада бир-бирларидан узоқлашиб кетганлар.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳукуматни Тоҷикистон шарқий қисмида ҳарбий операцияларни ўтказишдаги камчиликларга эътибор қаратиш ўрнига, аксинча, “жарчини қатл қилаётганлик”да айбламоқдалар.

Шунингдек, журналистлар расмийларнинг дарадаги ҳужум ҳамда хавфсизлик хизматлари томонидан ўтказилаётган амалиёт чоғидаги вертолетнинг кулаши каби бошқа ноҳуш ҳодисалар ҳақида ҳолис репортажлар тайёрлаш имкониятига эга бўлиш учун ҳаққоний маълумот олиш тартибини ўта мураккаблаштириб юборганини таъкидлайдилар.

Журналистларнинг сўзларига кўра, улар бу воқеа тафсилотлари юзасидан маълумот олиш учун Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигига қўнғироқ қилганларида мазкур вазирликларда ҳеч ким телефон гўшагини кўтармаган.

IWPR мухбирлари юзага келган тортишув бўйича мазкур вазирликлар расмийлари фикрини билиш учун боғланганларида шунга ўхшаш қийинчиликларга тўқнаш келдилар.

## ТОЖИКИСТОН / ЎЗБЕКИСТОН

“Азия Плюс” ахборот агентлигининг ижрочи директори ва яқин-яқингача IWPR муҳаррири бўлиб келган Зебо Тожибоева вазият янада кескинлашиб кетмаслигининг олдини олиш учун журналистларни босиқроқ бўлишга чақирди.

“Мен журналистларга “кўрпа куйдирмаслик”ни маслаҳат берган бўлардим. Ўйлашимча, улар професси-

онализмга кўпроқ эътибор қаратиб, аввалгидек холис ва ҳаққоний маълумот етказишда давом этишлари керак, - деди у. – Шиор кўтариш ва судлар билан бу ерда ҳеч кимни кўрқита олмайсан ва ҳеч нимани ҳал қилолмайсан. Барча жавоб ҳаракатларини амалга ошириш учун, менимча, Раштдаги амалиёт тугагини кутиш тўғрироқдир”. ●

Лочин Каримов – Тожикистондаги журналистнинг тахаллуси.

## ЎЗБЕКИСТОН

## ШАРҲ. МЕДИАЭКСПЕРТ: ЎЗБЕКИСТОНДА ЖУРНАЛИСТЛАРНИ МАҲКАМАГА ТОРТИШ УЧУН БАҲОНА КЎП



Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканали ходималарининг цензурага қарши пикети, Тошкентдаги Мустақиллик майдони, 2010 йилнинг 6 декабри.

Василий Марков фотосурати.

*Ўзбекистонда журналистларни таъқиб қилиш мамлакатда цензура ва қонунлардаги ҳуқуқий меъёрларни расмийлар фойдасига талқин қилиш имконини берувчи ноаниқликлар тугатилмагунча, маҳаллий оммавий ахборот воситалари эса ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш учун молиявий имкониятга эга бўлгунгача давом этаверади.*

“Америка овози” радиоси муҳбири Абдумалик Бобоев ва россиялик журналист, vesti.uz интернет-портали муҳаррири Владимир Березовский иши бўйича шу кунда Тошкентда якунига етган суд жараёнлари Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги оммавий ахборот воситалари бўйича давлат мониторинг марказининг баҳсли бўлган экспертлик хулосалари устига қурилган.

Мухбирлар устидан олиб борилган судлар католиклар Испанияси давридаги инквизицияга жуда ўхшаб кетаяпти. У ерда одамларни бекордан-бекорга айблаб, гулханда ёқарди, Ўзбекистонда эса журналистларини арзимаган ахборот учун судланувчилар курсисига ўтказмоқдалар.

Маҳаллий журналистларга нисбатан қатағон бошланиши учун матбуот, китоблар, телерадио, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғидаги ахборот ресурслари

нашр қилиш ва тарқатиш жабҳасида қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаган Вазирлар маҳкамасининг 2007 йилги қарори баҳона бўлди.

Бу ҳужжат оммавий ахборот воситалари устидан назорат қилиш ҳуқуқи берилган ҳамда мониторинг тугаганидан кейин беш иш кунидан кеч бўлмаган муддатда давлат ҳокимият органларига хулоса ва тавсияномалар юборишга мажбур бўлган Марказнинг жазо функцияларини белгилаб беради.

Оммавий ахборот воситаларининг одатий турмушидаги ўзгаришлар президент Исрол Каримовнинг “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистонда цензура маън қилинган 2002 йилдан бошланди. Ўшанда маҳаллий журна-

## ЎЗБЕКИСТОН

листлар бу қарорни хурсандлик билан кутиб олганди, чунки цензорларнинг инжиқликлари кўпинча соғлом мушоҳада доирасидан чиқиб кетарди.

Ваҳоланки, цензура бор пайтда оммавий ахборот воситаларига қарши маҳкамалар жуда кам бўларди, чунки танқидий мақолалар “қаҳрамонлар”и судга камдан-кам муружаат қилардилар, улар материалларнинг цензурадан ўтганини, демакки, расмийлар томонидан маъқулланганини билардилар. Судлар ҳам ҳукм чиқаришда буни зимдан ҳисобга олардилар.

Цензуранинг расман бекор қилиниши матбуотда танқидий материалларнинг кескин камайишига олиб келди, чунки мақола мазмуни учун тўла жавобгарлик нашрлар зиммасига юклатилганди.

Ривожланган мамлакатларда оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг ҳақлигини судда исбот қилишга сўз эркинлигини ҳимоя қилишга ихтисослашган бой жамоатчилик ташкилотлари кўмак берадилар. Мамлакатда бунақа ташкилотлари бўлмагани сабабли суд машмашалари учун молиявий имкониятга эга бўлмаган Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига бунақа қўллов кўрсатилмайди.

Цензура таъқиқланганидан сўнг танқиддан ҳафа бўлган фуқаролар томонидан уюштирилаётган хонавайрон қилувчи суд жараёнлари аста-секин таҳририят раҳбарлари ва журналистларда ўткир мавзуларда мақола ёзиш истагининг сўнишига олиб келди.

Бундай вазиятдан амалдорлар дарров фойдалана қолдилар, улар ижтимоий-сиёсий нашрлар муассисларига ўз саҳифаларида танқидий материал чоп этишдан воз кечишни тавсия қилдилар.

Мухбирларга бу фикр суд жараёнларидаги молиявий харажатлардан қутулиш истаги ўлароқ етказилди. Натижада турар-жой-коммунал хизматларининг ёмон ишлаётгани каби арзиманган мавзуларнинг ҳам чоп қилиниши таъқиқланди.

Кейинги босқич газета ва журналларга хатлар бўлимини ислоҳ қилиш бўйича зимдан берилган тавсия бўлди. Ҳозир авваллари саҳифаларда чоп этилган ёки журналистлар текшириши учун топширилган муштарий шикоятлари ҳуқуқ-тартибот идораларига жўнатиб юборилади.

Юзага келган вазиятда инсофли бўлмаган амалдорлар ва тадбиркорлар холис танқиддан қўрқмай, тинч ухласалар ҳам бўлади. Хавотирга соладиган ягона жиҳат фаол фуқаролик мавқе тугган ҳалол ва принципли ўзбекистонлик журналистлар ҳамкорлик қилаётган хорижий ахборот агентликларининг материалларидир.

Бироқ Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг оммавий ахборот воситалари жабҳасида мониторинг маркази тимсолида уларни ҳам жиловлаш имконини топдилар. Бу тузилма ходимлари маҳаллий ва хорижий матбуотдаги танқидий материалларни кузатиб борадилар ва уларга нисбатан жазо чоралари кўрилишига кўмаклашадилар.

Вазият Ўзбекистонда журналистларни суд таъқибидан ҳеч ким халос қила олмаётгани сабабли янада мураккаблашмоқда.

Бунда ҳатто 1997 йилда Ўзбекистонда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун ҳам ёр-

дам беролмаяпти. Мазкур ҳужжатнинг олтинчи моддаси суд қандай тугаши мумкинлиги ҳақида ёзишни таъқиқлайди ҳамда бу амалдорлар томонидан суд жараёнининг бориши, айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиш жараёни ёки дастлабки тергов ҳақида прокурорнинг ёзма рухсатисиз ёки суд қарор қабул қилмасидан туриб бу борада мақола чоп қилиш маън қилиниши ўлароқ талқин қилинади.

Василий Марков фотосурати. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканали ходималарининг цензурага қарши пикети, Тошкентдаги Мустақиллик майдо-ни, 2010 йилнинг 6 декабри.

Суд ҳукми қонуний кучга киргунича судга “бошқа йўллар билан” таъсир ўтказиш ҳам маън қилинган. Бироқ бундай хира таъриф бунақа таъсир айнан қандай “бошқа йўллар билан” кўрсатилмаслиги кераклигини изоҳламайди.

Дунёнинг аксар мамлакатларида матбуот шов-шувли суд жараёнининг ҳар бир мажлиси ҳақида очиқ ҳисоботлар чоп қилиб боради.

Бунақа ҳисоботлар Ўзбекистон қонунининг олтинчи моддасида айтилган “бошқа йўллар билан” судга таъсир ўтказиш сирасига кирадими-йўқми – буниси тушунарсиз.

Фуқаролар шаъни ва хизмат обрўсини булғовчи маълумотларни ёйинлашга дохил таъқиқ меъёрларида ҳам у қадар аниқлик йўқ.

Таҳрибалар шуни кўрсатдики, агар журналист бирор амалдор ёки тадбиркорнинг фамилиясини эслатиб ўтса, шунинг ўзиёқ ҳақорат ҳисобланиб, судга шикоят қилиш учун сабаб бўлиши мумкин. Олтинчи модданинг “қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳатти-ҳаракатларни содир этиш” мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳақида айтилган сўнги абзаци ҳам тушунарсиз. Бундай меъёр истаганча талқин этилиши ва ундан ноқулай журналистларни жазолаш учун фойдаланилиши мумкин.

Қизғи шундаки, журналистларга нисбатан “мурватларнинг қотирилиши” президент Ислоҳ Каримовнинг дадил, танқидий мақолалар ёзиш бўйича мунтазам равишда журналистларга қилиб келаётган даъватларига кескин зид келади. Масалан, шу йил январидан парламентда қилган чиқиши чоғида президент Ўзбекистон матбуоти-ни “тишсиз”ликда айблади, олти ой аввал - журналистларнинг касб байрами кунда эса президент ўз-ўзини цензура қилишдан қутулиш ва ҳаддидан ошган мансабдорларни аёвсиз фош қилишга чақирганди.

Агар расмийлар ҳақиқатан ҳам эркин матбуотга эга бўлишни истасалар, улар энг аввало оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ишлашнинг халқаро меъёрларига қатъий риоя қилишлари ва танқидий мақолаларни таъқиқлаш бўйича зимдан кўрсатма бериш амалиётини бартараф қилишлари шарт бўлади.

Табиийки, бу фуқаролар шикоятлари билан ишлашни қайта жонлантириш, журналистик текширувлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш, журналистларни судларда қўллаш, мухбирларни таҳририят томонидан моддий рағбатлантириш, медиажабҳа ходимлари ўртасида уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонун меъёрларини тушунтириш бўйича информацион иш олиб бориш билан биргаликда олиб борилиши лозим. ●

**Виктор Кримзалов**, Тошкентда яшовчи ва ишловчи мустақил медиаэксперт

*Мазкур мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштирилаётган “Марказий Осиё янгиликлари” лойиҳаси доирасида тайёрланди.*



ЎЗБЕКИСТОН

# ЖАСЛИҚ КОЛОНИЯСИДА МАҲБУСЛАР ЭЪЛОН ҚИЛГАН ОЧЛИК



*Жаслиқ колониясида маҳбуслар эълон қилган очлик халқаро ташкилотлар ўзбек пенитенциар тизимини қаттиқ назорат остига олишлари учун асос бўлиши керак, дея ҳисоблайдилар ҳуқуқ ҳимоячилари.*

22 ноябрь куни Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов Жаслиқ колониясида маҳбуслар эълон қилган оммавий очлик ҳақида NBCАга маълум қилди.

Икромовнинг сўзларига кўра, бу колониядаги очлик акцияси октябрь ойи охирида диндор маҳбуслар томонидан эълон қилинган. Норозилик акциясининг бошланишига эса ваҳшиёна қийноқлар ва қамоқдан бир неча маҳбуснинг ғойиб бўлгани сабаб бўлди. IWPR қийноқлар ҳақида 2 август куни “Ўзбек қамоқхоналаридаги таҳқирлашлар маҳбусларнинг руҳий касалликларга дучор бўлишига сабаб бўлмоқда” мақоласида ёзган эди.

64/71-сонли Жаслиқ колонияси мамлакат шимоли-ғарбида, Тошкентдан 1000 километр нарида жойлашган бўлиб, Ўзбекистондаги “энг даҳшатли” жойлардан бири ҳисобланади. Мазкур қамоқхона ўзининг аёвсизлиги ва қийноқлари билан машҳур. Халқ орасида уни “борса келмас” дея аташади.

Ўзбек ҳуқуқ ҳимоячиларининг маълумотларига кўра, Жаслиқ колониясида 500 дан зиёд маҳбус сақланади. Колонияда жазо ўтаётган кишиларнинг ярмидан кўпи диндорлар ва сиёсий маҳбуслардир. Икромовнинг сўзларига кўра, Жаслиқ колониясидаги айнан мана шу маҳбуслар қийноқ ва зўравонликдан кўпроқ азият чекадилар.

“Бизнинг кузатувлар ва бу колониядаги маҳбусларнинг қариндош ва яқинлари билан бўлган суҳбатларимиз айнан мана шу икки гуруҳга мансуб маҳбуслар қамоқхона нозирлари томонидан қийноққа тутилишини кўрсатди”, - дейди Икромов.

Айни пайтда Жаслиқ қамоқхонасида таниқли сатирик шоир Юсуф Жума, Ўзбекистондаги биринчи тижорат банки “Рустамбанк”нинг асосчиси Рустам Усмонов ва ҳуқуқ ҳимоячиси Азимжон Фармоновлар сақланмоқда.

Икромовнинг айтишича, бу кишиларнинг қариндошлари Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳига ўз яқинларига нисбатан қийноқлар қўлланилаётгани ҳақида бир неча бор маълум қилганлар.

Клара Олимова диндор маҳбусларнинг ўттизга яқин аёл қариндошлари каби пенитенциар муассаса маъмурияти уларга яқинлари билан учрашишга рухсат беришига умид қилиб, бир ярим ойдан бери Жаслиқ колониясининг меҳмонхонасида яшаб келмоқда.

1999 йили Ўзбекистон Жиноий кодексининг 159-моддаси, яъни “Конституциявий тизимга тажовуз” айблови билан 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган 31 ёшли Миркарим Саидқаримовнинг онаси Олимованинг сўзларига кўра, ўғли билан учрашувдан сўнг у боласининг аҳволи нечоғли оғир эканини тушуниб етган.

“Улар ўғлимнинг калла суяги ва белини синдиришган, думбасини пачоқлаб ташлашган, - дейди аёл. – Ўғлим ҳеч кимнинг ёрдамига умид қилмай кўйган. Мен халқаро ҳамжамият болаларимизни қандай қийноқларга дучор қилаётганларидан хабар топишини истайман!” – деди Олимова.

Ўғлимнинг сўзларига кўра, маҳбусларнинг оммавий очлик эълон қилишига камерадолларининг ғойиб бўлгани сабаб бўлган. Унинг айтишича, колониядан намоз ўқийдиган ва рўза тутадиган диндор маҳбуслар ғойиб бўла бошлаган. Бунга норозилик сифатида қолган диндор маҳбуслар очлик эълон қилиб, қамоқхона маъмуриятдан йўқолган саккиз нафар маҳбусни камераларига қайтаришни талаб қилганлар. Бунган жавобан қамоқхона нозирлари очлик эълон қилган диндор маҳбусларни карцерга жойлаштирганлар.

Жаслиқ колониясига 16 йилга озодликдан маҳрум қилинган ўғлини кўриш учун Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан келган Муҳайё Ҳожиева уч ҳафтадан буён ўғли билан учрашишга рухсат ололмаётганини айтади. Аёл ўғлимнинг оммавий очликда иштирок этганидан сўнг қаттиқ қийноқларга дучор қилинганидан хавотирда.

“Қамоқхона маъмурияти менга ўғлимнинг изоляторда сақланаётганини маълум қилди, мен бундан қаттиқ хавотирдаман, - дейди Муҳайё Ҳожиева. – Қамоқхона ходимлари менга “кетинг” дейишди, аммо мен ўғлимни кўрмагунимча шу ерда қоламан. Улар у ерда ўғлимни таҳқирлаётдилар, деб кўрқаман”.

## ЎЗБЕКИСТОН / ТУРКМАНИСТОН

Ўзбекистон ҳуқуқ фаоллари альянси раҳбари Елена Урлаева мамлакат қамоқхоналарида қийноқ қўллаш амалиёти йил сайин авжга чиқаётгани ва бундан кўпроқ озодликдан маҳрум этилган мусулмонлар азият чекаётганини айтади.

“Диний байрамлар, муборак Рамазон ойида мусулмон маҳбусларни қийноққа тутиш ҳолатлари кучаяди. Колониялар маъмурияти, жумладан, Жаслиқ колонияси маъмурияти қийноқ намоиши ўтказди”, - дейди Урлаева.

Онаси билан учрашган Миркарим Саидкаримов яқинда колонияга дин уламолари ташриф буюрганлари, аммо диндор маҳбусларга ёрдам кўрсатиш ўрнига аксинча уларни ҳақоратлаганлари ва таҳдид қилганларини айтиб берган.

“Улар бизнинг йигитларга: “Сиз ҳизбчилардан бутун дунё нафратланади, сизларни оила аъзоларингиз билан бирга йўқ қилиб ташлаш керак”, дейишди”, - деб айтиб берди ўглининг айтганларини Саидкаримовнинг онаси.

Урлаеванинг маълумотларига кўра, ўзбек қамоқхоналаридаги маҳбусларга нисбатан ғайриинсоний муносабат туфайли ҳар йили норозилик акциялари бўлиб туради, маҳбуслар ўзларига нисбатан қамоқхона маъмуриятларининг аёвсиз муносабатда бўлаётгани ва маҳбуслар ҳақ-ҳуқуқларини қўпол равишда бузаётганлари сабабли оммавий равишда томирларини кесиб, қоринларини ёриб ташламоқдалар.

Аммо маҳбусларнинг бундай норозилик акциялари тўғрисидаги маълумот кўп ҳолда расмийлар томонидан яширилади. Урлаевага кўра, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари аллақачон Жаслиқ колониясини ўз назоратлари остига олганлар ва у ерда бошланган очлик Ўзбекистон пенитенциар тизимини қаттиқ назорат остига олиш учун қўшимча ваз, холос.

“Жаслиқ қамоқхонаси билан шуғулланиш вақти аллақачон етган”, - дея хулосалайди Елена Урлаева. ●

*Мазкур мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштириладиган “Марказий Осиё янгиликлари” пойҳаси доирасида тайёрланди.*

## ТУРКМАНИСТОН

## ЗАМОНАВИЙ ТУРКМАН АЁЛЛАРИГА РЕАЛ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР КЕРАК



*Туркман аёллари Конституцияда жинслар тенглиги қайд этилган бўлса-да, улар ўзларининг камситилганини айтиб шикоят қилмоқдалар.*

Декабрь ойи охирида Туркменистон БМТнинг аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф қилиш бўйича қўмитасига 1996 йилда ратификация қилинган бу халқаро ҳужжат доирасида мамлакат ўз мажбуриятларини қандай адо этаётгани ҳақида навбатдаги даврий ҳисоботини тақдим этади.

Юридик нуқтаи назардан мамлакатда муайян қонунчилик базаси мавжуд, Туркменистон Конституцияси эркаклар ва аёлларга тенг фуқаровий ҳуқуқларни кафолатлайди, жинсий мансубият бўйича тенглик тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган, 2007 йилда қабул қилинган “Аёллар тенглиги бўйича давлат кафолатлари

## ТУРКМАНИСТОН



тўғрисида” ги қонун турли жабҳаларда аёллар камситилишини таъқиқлайди ҳамда уларнинг оиладаги, ишдаги, жамиятдаги ролини қонун билан мустаҳкамлайди.

Бир қарашда Туркменистон аёллари учун кенг фаолият майдони очилгандек кўринади. Аёлларга соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида етакчи роллар берилган, аёллар Туркменистон Мажлисидаги (парламенти) депутатларнинг бешдан бир қисмини ташкил қилади, турли даражадаги раҳбарлар орасида ҳам аёллар кам эмас. Мамлакатда ҳатто аёллар жамоатчилик ташкилотлари фаолият юритади, лекин улар расмийларнинг бевосита назорати остида ташкил этилган.

Аммо 2008 йили Бирлашган миллатлар ташкилотининг универсал даврий ҳисоботи бўйича ишчи гуруҳи, Туркменистон “аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашнинг ўта зарурлигини тушунмаётгани”, маҳаллий қонунчиликда эса қурбонлар ҳимоясига қаратилган превентив чора ва механизмлар мавжуд эмаслиги юзасидан хавотир билдирганди.

Мавзу юзасидан сўралган шарҳловчилар икки йил давомида мамлакатда кескин ўзгаришлар юз бермаганини айтмоқдалар. Маҳаллий шарҳловчилар бунда жамиятда аёлларга иккинчи даражали рол бериладиган мавжуд шарқона урф-одатларнинг таъсири катталигини айтадилар.

“Мавжуд барча қонунларга қарамай, биз ҳар доим эркакларимизни ҳурмат қиламиз ва уларга қулоқ соламыз, - деди НВСАга 20 йил давомида давлат хизматида ишлаб келаётган ва исми ошкор этилишини истамаган ўрта ёшли аёл. - Ота-онам мени доим шунга ўргатиб келишган”.

Болгарияда ерлашган инсон ҳуқуқлари бўйича Туркменистон Хелсинки жамғармасининг раҳбари Тожиғул Бегмедова бундай фикрлардан ҳайратланмаслигини айтади. У туркман қизларини болалиқдан оила каттаси, отаси, акаси, бўлажак эри ва унинг акалари гапига қулоқ соладиган ва уларга эътироз билдирмайдиган қилиб тарбиялашларини айтади. “Бунга ҳозиргача амал қилинади ва бу рағбатлантирилади”.

“Аслида замонавий туркман аёли бироз эркинроқ бўлиши ва баъзан жавоб қайтариши мумкин, аммо амалда унинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ, ҳатто ўз фарзандларига нисбатан ҳам, - дейди ҳуқуқ ҳимоячиси. - Ҳозиргача ота то-

мони болага унинг онасига нисбатан кўпроқ ҳақ-ҳуқуққа эга”.

Яқинда Ашхободда бўлиб қайтган хорижлик сайёҳ кўчада ишлаётган аёллар ва уларни қулдек ишлатаётган эркакларни кузатгани ҳақида таажуж билан сўзлайди.

“Рўмол ўраган ва пўртаҳолранг коржомга кийган аёллар дарахт экардилар, костюм кийган эркаклар эса уларга буйруқ бериб, ахлатни тозалаш кераклигини айтиб бақирардилар ва аёллар икки букчайиб, ахлат солинган катта қопларни елкаларида таширдилар”, - дея ҳикоя қилади у.

Бозорда савдо қиладиган аёл солиқчи ва турли назорат идораларидаги эркаклар томонидан амалга оширилаётган ўзбошимчалиқдан шикоят қилиб йиғлайди.

“Мен қишин-ёзин очиқ ҳавода савдо қиламан, - дейди у, - менинг ёнимга қандайдир бир амалдор келиб, молимни олиб кўйиб, “арз қилсанг ҳам, қилмасанг ҳам аёлнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмайди!” дейди. Мен нима қилишим керак? Улар олдида мен ҳақ-ҳуқуқсизман”.

Шаҳарда бундай ҳолатлар кенг тарқалмаган бўлса-да, қишлоқ жойларда аёллар аҳволи анча қийин. Ахал марказий вилоятидаги News Briefing Central Asia шарҳловчиси ўз кузатувларига асосланган ҳолда “авваллари аёлларни қандай эксплуатация қилишган бўлса, ҳозир ҳам шундай эксплуатация қилишаётгани” тўғрисида гапириб берди.

Пахта далаларида асосан аёлларни кўриш мумкин, уйдаги хўжалик ишлари унинг зиммасида, у эрталабки соат 4 да туради, сигир соғади, овқат тайёрлайди, фермага боради, оғир қопларни ташийди... Фарзанд тарбияси ҳам унинг зиммасида.

“Қишлоқларда туркман аёли меҳмонлар билан бир дастурхон атрофига ўтира олмайдилар, - дея давом этади шарҳловчи. - У ҳатто меҳмонлар олдига овқатни ҳам олиб кирмайди, буни болалари қилишади. Агар сиз бу аёлга тайёрлаб берган овқати учун ташақкур билдириш мақсадида у ўтирган хонага кириб қолсангиз, аёл ва унинг болалари дастурхонида фақат чалпак, кўк чой ва шакар турганига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бу вақтда аёлнинг эри эса гўшт ва сабзавотлар еб ўтиради”.

Ашхободдаги норасмий ҳуқуқни ҳимоя қилиш гуруҳи фаолининг таъкидлашича, оиладаги зўравонлик масаласи шу тобда долзарб бўлиб турибди. У тоқати тоқ бўлган икки аёлнинг полицияга мурожаат қилишга урингани тўғрисидаги икки ҳодиса ҳақида айтиб берди. Биринчи аёл эрининг ҳар кунги дўппослашларидан, иккинчиси эса қайнотасининг доимий зўрлашидан шикоят қилган.

“Полиция бу аёлларнинг аризаларини қабул қилмади, чунки бу “оиланинг ички иши” ҳисобланади”, - деди ҳуқуқ фаоли.

Туркменистонда оиладаги зўравонлик юзасидан расмий статистика очикланмайди. Айни пайтда, маҳаллий кузатувчиларнинг гувоҳлик беришларича, мамлакатда оилавий зўравонлик кенг тарқалган ҳолатдир.

## ТУРКМАНИСТОН

“Оиладаги зўравонлик кўп туркман оилаларида кунда кузатиладиган ҳолатдир, - дея таъкидлайди Ашхободдаги медиа шарҳловчи. – Кўп оилаларда аёлларга қўл кўтариш, жинсий алоқага мажбурлаш, қулдек ишлатиш кенг тарқалган. Эраклар кўпинча хотинларини уйда кўп ишлатдилар, масалан, оилани боқиш учун гилам тўқишга мажбурлашади”.

Маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари мамлакатда кризис марказлари, ишонч телефонлари ва ЕХХТ ўтган йили Туркманистон пойтахтида оиладаги зўравонлик қурбонларига

беул психологик маслаҳатлар бериши кўзда тутилган “тезкор тармоқ” каби лойиҳалар очилиши зарур, дея ҳисоблайдилар.

Айни пайтда умид фақат халқаро ташкилотлардан, чунки расмийлар туркман аёлларининг ҳақ-ҳуқуқлари бузилмаяпти, деган фикрдалар.

“Балки Ғарб нуқтаи назаридан қараганда бизнинг аёллар ҳимояланмагандек кўринарлар, аммо биз ундай деб ҳисобламаймиз”, - дейди ҳокимият ходими кулиб. – Шарқда доим шундай бўлиб келган”. ●

*Мазкур мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштириладиган “Марказий Осиё янгиликлари” лойиҳаси доирасида тайёрланди.*

## РАСМИЙЛАР ШИФОКОРЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ САФАРЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШАЯПТИЛАР



Сентябрь ойи охирида инсон ҳуқуқлари бўйича муҳолифатдаги Туркман Ташаббуси интернет-портали Туркманистондаги шифокорлар паспортларини оммавий равишда текшириш бошлангани ҳақида маълум қилди.

Тиббий муассасаларнинг кадрлар бўлими ходимлари Миллий хавфсизлик хизмати вакиллари билан биргаликда шифокорларнинг паспортларида чегарани кесиб ўтганлик ҳақидаги муҳрнинг бор-йўқлигини текширишяпти.

“Кўпчилик шифокорлар ўзларининг асосий фаолиятларидан ташқари тижоратни ҳам йўлга қўйиб, хорижга чиқиб келмоқдалар, - дея ёзади “Хроника Туркменистана”. – Ҳамкасблар ўзаро келишиб олиб, навбатчилик кунини алмаштираяптилар. Бир шифокор ўзи ва ҳамкасби учун навбатчилик қилади, бу пайт эса унинг ҳамкасби мол олиб келиш учун Хитой, Бирлашган Араб Амирлиги, Россия, Туркия, Эрон ва Қозоғистонга бориб келишга улгураяпти”.

Агар текширувчилар шифокорнинг паспортда чегара муҳри ёки виза қайди борлигини аниқласалар, қонунбузар шахс раҳбарият олдига чақирилиб, жазоланаяпти, уни “нафақат жисмонан ишламаган навбатчилиги учун олган пулини, балки ойлик маошини ҳам қайтаришга мажбур қилишяпти”, - деб ёзади нашр.

Туркманистондаги шифокорларнинг паспортларида чегарани кесиб ўтганлик ҳақидаги қайд белгиси бор-йўқлигини аниқлаш бўйича текширувлар 2009 йили ҳам ўтказилган эди. Маҳаллий таҳлилчилардан бири ўшанда кўпчилик ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида паспортини яроқсиз аҳволга келтирганини эслайди.

“Одамлар шоша-пиша паспортларини йўқ қилардилар, уларни йўқотиб қўйган бўлардилар, паспортларидаги виза қайдлари кўринмаслиги учун ҳужжатларининг устига бирор нарса тўкиб юборардилар, - дея қайд этади суҳбатдош.

## ТУРКМАНИСТОН

– Аммо буни паспортларини текшириш учун олиб қўйишларидан олдинроқ қилишга улгурганлар жазодан қутилиб қолдилар”.

Ашхободлик шарҳловчининг сўзларига кўра, тижорат шифокорларни пулсизликдан сақлаб қолмоқда. Туркманистонлик шифокорларнинг маоши тахминан 200-230 АҚШ доллари атрофида бўлиб, бу 2010 йилнинг 1 январидан тасдиқланган энг кам ойлик маош, яъни 598 манатдан (расмий курс бўйича 170 АҚШ доллари) сал кўпроқдир.

Шу важдан тиббиёт ходимлари бир амаллаб кун кечириш учун кўпинча қўшимча ставкада ишлашларига тўғри келади. Шифокорлар маҳаллий бозорда сотиш ёки дўконларга яхши нархга ўтказиб юбориш мумкин бўлган молларни чет элдан олиб келиш учун кўпинча нафақат иш ва дам олиш кунларидан, балки ҳар йилги меҳнат таътилларидан ҳам фойдаланишларига тўғри келади.

“Аёл шифокорларимиз бутун оилаларини боқишларига тўғри келаяпти, чунки мамлакатда ишсизлар сони катта, – дейди шарҳловчи. – Улар чет элга мол олиб келиш учун ҳаётлари яхши бўлганидан эмас, балки фарзандларини ўқитиш, кийинтириш ва боқиш кераклиги учун бораяптилар”.

NBCA билан суҳбатда шифокорлар уларнинг аҳволи 2007 йили ҳокимият тепасига стоматолог, тиббиёт фанлари доктори Ғурбанғули Бердимухаммедов келиб, соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар бошлаганидан кейин ҳам ўнланмаганидан шикоят қилишди.

Гарчи мамлакатда кўп йўналишли шифохоналар қурилиши учун давлат бюджетидан юзлаб миллион доллар маблағ ажраталаётган бўлса-да, шифокорлар маоши ошмаяпти. Аксинча, тиббий хизмат ҳаққи ошиб бораяпти, бу эса мижозларни чўчитаяпти.

Расмийлар эса тиббий хизмат сифати ёмонлашгани юзасидан хавотир билдираяптилар. Уларнинг фикрича, бунга нафақат соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг малакасизлиги, балки тижоратчи шифокорларнинг ўз иш жойларидан ўтирмасликлари ҳам сабабдир.

“Тасаввур қилинг, ошиғич жарроҳлик амалиётини ўтказиш керак, шифокор эса ўз жойида йўқ”, – дейди ўтказилаётган кампания тарафдорларидан бири Исқандар исмли ашхободлик юрист қизишиб.



Ашхободаги соғлиқни сақлаш вазирлиги биноси.

У ҳар қандай шароитда ҳам шифокорлар берган профессионал қасамларини бузмасликлари керак, деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқ химоячилари шифокорлар паспортларининг оммавий равишда текширилишида интизомсиз медикларга қарши кураш амалиётида муваффақиятли ниқобланган конституциявий ҳуқуқларнинг бузилишини кўрадилар. Халқаро ҳамжамиятнинг Туркманистондаги ҳаракат эркинлигини сусайтириш тўғрисидаги чақириқ ва танқидларига қарамай, у ҳалигача мамлакатдан чиқолмайдиганлар “қора рўяхати” билан чекланган, виза олиш бўйича қатъий шартлар мавжуд, мамлакат ичи ва ташқарисида саёҳат қилиш эса махфий хизматлар томонидан назорат қилинади.

Расмийларни кўпроқ тижоратчи шифокорлар эмас, балки семинарларда иштирок этиш учун оз сонли чет эл командировкаларига борадиган кишилар қизиқтиради.

Махфий хизматлар шифокорлар виза расмийлаштиришда ноқулай саволлардан қутулиш учун бунда ўзларини чет элга савдо-сотик учун боргандек кўрсатганлар, деб ўйлайдилар.

Мамлакат шарқида жойлашган Лебоп вилоятидаги фуқаролик гуруҳининг раҳбари ҳам ана шундай фикрда. У ўтган йил қишида расмийлар “Чегара билмас мухбирлар” халқаро ташкилоти таклиф этган лойиҳаларга эътиборсизлик билан ёндошганларидан сўнг ташкилот Туркманистонни тарк этгач, шифокорларни оммавий равишда сўроққа тутилгани ҳолатига алоҳида эътибор қаратади.


Ўшанда профилактик суҳбатга жуда кўп шифокор чақирилганди. Уларга “камроқ” маълумот бериш, “ортиқча” гапирмаслик ва “савол бераётганлар билан эҳтиёткор бўлиш” маслаҳат берилиб, акс ҳолда, бу “жосуслик” ўлароқ эътироф этилиши айтилганди.

Ҳуқуқ фаолининг сўзларига кўра, маҳаллий шифокорлар бошқа мамлакатларда бўла туриб, халқаро ташкилот вакиллари билан учрашиб, улар билан ўзаро ҳамкорликда бўлишлари ҳақидаги шаъманинг ўзиёқ ҳукуматга ёқмаслиги мумкин.

Шифокорлар паспортининг текширилиши “мазкур акциянинг навбатдаги босқичи” эканини истисно қилиб бўлмайди. ●

*Мазкур мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштириладиган “Марказий Осийё янгиликлари” лойиҳаси доирасида тайёрланди.*

INSTITUTE FOR WAR & PEACE REPORTING



Institute for war & peace reporting  
48 Gray's Inn Road  
London, WC1X 8LT, UK  
Tel: (44 20) 7831 1030  
Fax: (44 20) 7831 1050  
Web: [www.iwpr.net](http://www.iwpr.net)  
E-mail: [info@iwpr.net](mailto:info@iwpr.net)

---



IWPRнинг Қирғизистон  
Республикасидаги ваколатхонаси  
Қирғизистон Республикаси,  
Бишкек шаҳри, 720017  
Тўғулўқ Мўлдў кўчаси, 18-2  
Тел: + 996 312 66 44 53, 61 38 70  
Факс: + 996 312 61 38 70  
E-mail: [iwpr.kyrgyz@iwpr.net](mailto:iwpr.kyrgyz@iwpr.net)

---



Қозоғистон Республикаси,  
Олмаота шаҳри, 050000  
Қазибек би кўчаси, 50  
2-қават, 84-офис  
Тел.: +7 727 272 59 03,  
272 64 21, 272 68 90  
E-mail: [iwpr.kazakhstan@iwpr.net](mailto:iwpr.kazakhstan@iwpr.net)

---



IWPRнинг Тожикистон  
Республикасидаги ваколатхонаси  
Тожикистон Республикаси,  
Душанбе шаҳри, 734003  
Рудакий шоҳ кўчаси, 137 “Тожикматлубот”, 6-қават  
Тел.: + 992 372 247026  
Тел./Факс: +992 372 247051  
E-mail: [iwpr.tajikistan@iwpr.net](mailto:iwpr.tajikistan@iwpr.net)

---

IWPR Европа Иттифоқи давлатлари қарашларини мутлақо акс эттирмаган  
мазкур нашр мазмуни учун жавобгарликни тўлалигича ўз зиммасига олади.